

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ал-Хоразмий номидаги
Урганч Давлат университети

Қўл ёзма ҳуқуқида

Рахимова Насиба
“ Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-
педагогик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ”

Мутахассислик: 5А140801-Педагогика (таълим турлари бўйича)

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Педагогика магистр академик даражасини олиш учун

Ишлаб кўриб чиқилди ва ҳимояга рухсат берилди

Илмий раҳбар:

Нукус Давлат университети
профессори.У.Алеуов

“Педагогика ва психология”

кафедраси мудири:

п.ф.н.доц.Ш.Исмаилова

«__»_____ 2011й

Урганч -2011йил
М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ.....3

I-боб. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни назарий асослари.

1.1§-Ёшлар тарбияси масалаларини назарий-асослари.....8

1.2.§-Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари.....

1.3.§-Ўсмирнинг психологик хусусиятилари.....

II-боб. Ўсмир –ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятининг ўзига хослиги.....

2.1.§Ўсмирларда ижтимоий- педагогик фаолиятни шакллантириш шарт-шароитлари.....

2.2.§ Ўсмирлар ижтимоийлашувида касбий муносабатларнинг ўрни.....

III – боб. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладаган ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мазмуни.....

3.1§.Ўсмирлар ижтимоий-педагогик фаолиятини шакллантиришда мулоқотнинг ўрни

3.2.§-Ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоийлашувида шахсларро муносабатлар тизими.....

3.3-§. Ўсмирларда касб танлашга муносабат мотивлари намоён бўлишининг ўзига хос ижтимоий-педагогиква психологик хусусиятлари

3.4.§ Тажриба —синов натижалар таҳлили.....

Хулоса.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

Тавсиялар.....

Иловалар.....

Кириш.

Баркамол авлод камолоти гоясини турмушга татбиқ этиш учун миллий маънавият, миллий таълим ва тарбия муаммоларини хал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Маълумки, таълим-тарбия онгнинг махсули ва онгнинг даражаси бўлиши билан бирга онгнинг ривожланишини ҳам белгилайдиган омилдир.

Худди шу боис мамлакатимизда зукко, ўта зехнли, интеллектуал потенциалга эга, ўзида мукаммал дунёқараш ва бой маънавиятни мужассамлаштирган салохиятли кадрлар тайёрлаш, уларни жахон ҳамжамиятида рақобатбардошлигига эришишни мақсад қилиб қўйилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда ҳар тамонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва тарбия, касбий фаолиятни онгли равишда тнлаш ва бошқариш, кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа турдаги шароитларни яратишни жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқораларни тарбиялаш назарда тутилади.

Мавзунинг долзарблиги : Инсоннинг ҳуқ-атвори ўзгарувчанва ранг-баранг бўлиб, унинг индивидуал хусусиятлари, ўзига хос услубларининг мавжудлиги ҳеч қачон ва ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа тугдирмайди. Бироқ бу ҳуқ-атворнинг хилма-хиллиги унинг чексиз дегани эмас, зеро инсонларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро муносабати, уларни турли ижтимоий гуруҳларга бирикиву, яшаши учун илиқ психологик муҳитнинг сақланиши заруратдир. “Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари” нинг ташкил этилганлиги республикаимизда таълимни такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш масалаларини мақсадга мувофиқ ҳам этиш муҳим аҳамиятга молик масалалардан бири ҳисобланади. Ўсмирликка ўтиш ўзига хос психологик хусусиятларни юзага келтиради, бу эса айнан унинг ижтимоий-педагогик фаолиятини ташкил қилиш масаласига бориб

тақалади. Бу хусусиятлар айнан ўзгаришлар бўлиб шу жараёнларда ўсмирни тўғри ва аниқ йўналишлар орқали ижтимоий фаолликка ҳамда шахсий позициясини аниқ беглилаб олишга ёрдам бериш келажакда унинг шахс сифатида камол топиши учун янги ва тўғри имкониятларни юзага келтиради.

Жахон психологиясида кўпгина олимлар айнан “ўсмир ёшида ,унинг биринчи беш йиллиги янги муносабат ва ўзига хос ижтимоий воқелик бўлиб ,кейинги беш йилликда шу воқеликни амалга ошириш ва шахс сифатида хусусият,фазилат,жихат ва сифатларини корреляция жараёнига боғлайди”- деган фикр илгари сурилган

Ўсмирга имтимоий таъсирларнинг натажасида хулқ-атворининг шаклланиши васублимация,реакция ва ҳақозалар намоён бўла бошлайди.

Ўсмир ёшининг классик тавсифи ,ўтиш даври бу идеалларга,янги интилишларга,хисларнинг йўналганлигига ва ҳаракатларнинг ўзига хослигига боғлиқ жараён бўлиб,болалаик ва катталиқ ўртасидаги маъсулиятли фаолиятни турмуштарзига айлантириш каби жараёнларнинг кечиши билан боғланади.

Ўсмирлик ўши инсон ҳаётининг энг қийин даврлари бўлиб,унинг яхлит шахс сифаътида шаклланиши,нафақат физиологик етилиш,шахсий биография,балки жамиятдаги маънавий муҳит ва мавжуд ижтимоий мафкурага нисбатан ички норозиликдан иборат психологик ўзига хослик даври эканлиги тасдиқланади.

Тадқиқотни мақсад: ўсмир ёшидаги болаларни ижтимоий-педагог фаолиятини ўзига хос жихатларини ўрганиш.

Тадқиқот вазифалар:

1. Ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоий-педагог фаолият интеллектуал ва иродавий хусусиятларини ўзига хос жихатлари таълим жараёнида ўрганиш.

2. Ўсмирларда ижтимоий-педагогик фаолият шакллантириш шарт-шароитларини аниқлаш.
3. Ўсмирларнинг ижтимоийлашувига таъсир қилувчи психологик ва ижтимоий омилларни тадқиқ қилиш.
4. Ўсмирлар муносабатларини шакллантиришда қўлланиладиган шакл, восита, усулларни таъкидлаш.

Тадқиқот объекти: Хонқа тумани педагогика касб-хунар коллежи, Урганч шаҳар маиший касб-хунар коллежи.

Тадқиқот предмети: Ўсмир ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият жараёни.

Тадқиқот илмий фарази:

Агар ўсмир ёшидаги болаларнинг ижтимоий-педагогик фаолиятини тизимли мақсадга йўналган, ёш босқичларини ва индивидуал ва типологик хусусиятларини инобатга олинган дифференциал ёндашув орқали амалга оширилса ўсмирнинг келажакда ижтимоий фаол ва мустақил эркин шахс бўлиб шаклланиши мумкин.

Тадқиқот методлари: Таълим-тарбия жараёнида ўсмирларни кузатиш; “Ирода кучини баҳолаш” тести,сухбат.Реал гуруҳ аъзолари фаолиятини кузатиш,улар билан индивидуал,гуруҳий суҳбат олиб бориш,анкета методи орқали синалувчиларнинг имкониятларини аниқлаш.Ўсмирлик ёшидага касбий тасаввур ва касбий йўналганликни аниқлаш(Ш.Баратов ваУ.Жумаев),ўсмирнинг энг зарур бўлган жихатларидан”Қадриятлар йўналганлигини”аниқлаш.

Тадқиқотнинг методологик асослари:Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари гояси,давлатнинг”Таълим тўғрисида” ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, жакон педагогика ва психологияси фанида шахснинг ижтимоий тараққиёти бўйича яратилган умумий қонуниятлар, механизмлар, концепциялар, шунингдек, шахсга индивидуал, дифференциал ёндашув

тамойиллари(Б.М.Теплов,
В.С.Мерлин,Н.С.Лейтис,Э.А.Голубева,Б.КР.Қодиров,Э.Г.Гозиев,Б.Г.Шоумаров,Т.М.Адизова ва бошқалар), шахс ва ижтимоий установка тамойиллари, (Д.Н.Узнадзе,Ш.А.Нодирашвили, А.Г.Асмолов, Г.Оллпорт, Г.Розенберг ва бошқалар), шахс ва муносабат мутаносиблиги тамойиллари (В.Н.Мясишев,Т.Лири,С.Л.Рубинштейн, В.С.Мерлин ва бошқалар),буюк Шарқ мутафаккирларининг ўсмир шахси шаклланишига унинг ижтимоий-педагогик фаолиятини ўзига хос механизмлари, таълимотлар, изланишлар, илм

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни ўзига хос хусусиятлари муаммоси махсус тадқиқ этилди.
2. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни ўзига хос хусусиятлари илмий – педагогик ғоялари асосланди.
3. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкилий-технологик жиҳатлари (мазмун, методика, шакл ва воситалар) ишлаб чиқилди.
4. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолни самарадорлигини таъминлашга кафолот берувчи илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.
ий асос сифатида хизмат қилади.

Ҳимояга қўйилган ҳолатлар:

1. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни илмий-педагогик асослари.

2. Ўсмирларда ижтимоий-педагогик фаолиятни шакллантирувчи билимлар мазмуни, методикаси, шакл ва воситалари.
3. Ўсмирларда ижтимоий-педагогик фаолиятни самарали ташкил қилишни ўзига хос жиҳатлари.
4. Ўсмир ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни юқори даражасини кафолатловчи илмий-методик тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий –аҳамияти:

Ўсмир ёшдаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятнинг моҳиятини ёритувчи таянч тушунчаларга таъриф берилганлиги.

Ўсмир ёши ўзига хос хусусиятлари аниқланиб уларни ижобий кечишини таъминловчи омиллар асосланганлиги каби ҳолатлар илмий-назарий қийматини белгилайди.

Тадқиқотдан олинган натижалар асосида ишлаб чиқилган тавсиялар ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоий-педагогик фаолиятини самарали йўлга қўйиш, уларда ўз фаолиятларини тўғри шакллантириш имконини беради.

Магистрлик диссертациясини синов тажрибадан ўтганлиги. Диссертациянинг асосий синов-тажриба ишлари натижалари Урганч Давлат университети “Педагогика” факультети “Педагогика ва психология” кафедраси “Илмий-услубий кенгаши” йиғилишларида муҳокама қилинди.

Магистрлик диссертация тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши: Тадқиқотнинг асосий мазмуни ва ундаги етакчи ғоялар “Магистрлар илмий тўплами”, Университет “Тафаккур зиёси” ойномасида мақолалар сифатида чоп қилинди.

Магистрлик диссертация иш натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги: Диссертация илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қўлланилган илмий-амалий методларга, педагогик шарт-шароитларга, тажриба-синов ишлари натижаларининг амалиётчилар томонидан маъқулланганлиги ҳамда уларни математик-статистик таҳлил натижалари билан белгиланганлиги.

Диссертация **апробацияси** Урганч давлат университети «Педагогика ва психология» кафедраси ва Педагогика факултети илмий-амалий семинарларида бўлиб ўтди. Диссертация иши натижалари 2 та мақола ва 2 та Республика илмий-амалий анжумани материалларида ўз аксини топди.

Магистрлик диссертация тизими: Диссертация кириш қисми, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-боб. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни назарий асослари

1.1§. Ёшлар тарбияси масалаларининг назарий асослари.

Педагогика фанидан маълумки, тарбия – бу ижтимоий ҳодисадир. Демак, индивиднинг баркамол шахс сифатида шаклланиши унинг ижтимоий ҳаёти давомида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ. Афсуски педагогика оламида ёш авлоднинг ижтимоий ҳаётидаги ходиса ва жараёнларнинг тарбиявий таъсири масалаларини илмий-назарий ва амалий ўрганишга қаратилган махсус ёъналиш назардан чэтда қолиб кэлинди. Мустақил юртимизда бугунги кунда ёшларимизнинг онги ва калби учун кечаётган кураш жараёнида мазкур йёналиш , яъни ижтимоий педагогиканинг педагогик ўкув юртларига махсус курс сифатида киритилиши айни муддатдир. Чунки ХХІ аср, яъни ахборотлар тизими даврида ёшлар ва умуман кенг жамоатчилик орасидаги ижтимоий фикрларни ҳар томонлама ўрганиш, ижтимоий ҳаётни аниқ ва реал, оммавий ҳалқ фикрига асосланиб ўрганиш ва нафақат таълим-тарбия муассасаларидаги тарбиявий муҳит, балки ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларини педагогик ўрганиш даври этиб келди. Демак, педагогика фаниниҳг яна бир ёъналиши – ИЖТИМИЙ ПЕДАГОГИКА га бўлган эҳтиёжни даврниҳг ўзи кўрсатмоқда. Ўрганаётган ушбу ўкув курсимиз мазкур ёъналишдаги илк қадамлардан биридир. Шу сабабли ижтимоий педагогика олдида – Ижтимоий педагогика – бу педагогика фаниниҳг алоҳида тармоғи эканлиги, яъни унинг мақсади, вазифалари, объект, предмети ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги, асосий категориялари ва тамойилларини аниқлаш каби вазифалар туради. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Ўзбекистон Республикаси демократик, ижтимоий жиҳатдан адолатли ижтимоий тизим, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллаган ва жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшадиган

тинчликсевар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан бой давлат барпо этишни ўзининг стратегик вазифаси деб ҳисоблади. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг миллий- тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари, урф-одатларидан ва хусусиятларидан келиб чиқиб, ўзига хос ва ўзига мос йўлни ишлаб чиқди. Бу йўлни ишлаб чиқишда Президент И.А.Каримов илгари сурган 5 та тамойил асос қилиб олинди. Яъни:

1.Иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак

2.Давлат асосий ислохотчи бўлиши керак

3.Қонунниг устуворлиги

4.Кучли ижтимоий сиёсатни ўрнатиш

5.Бозор иқтисодиётига ўтишни эволюцион, яъни босқичма-босқич амалга ошириш

Мазкур тамойилларга суянган ҳолда юртимизнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, ижтимоий ҳаётида ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этувчи ушбу соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, асосан инсонга, унинг манфаатларига қаратилгандир. Буни биз Президентимизнинг “Ислохот – ислохот учун эмас, балки ислохот инсон учун, мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ва турмуш даражасини кўтаришга қаратилгалигидадир” –деган фикрларидан ҳам кўришимиз мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий муносабатлари ва бунда давлат ҳамда жамиятнинг роли, баъзи жамият аъзоларининг маънавиятида рўй бераётган заифликлар, уларнинг сабабларини аниқлаш, текшириш, ҳал этиш, умуман жамиятда кечаётган маънавий ва мафкуравий ислохотларни, жамиятни педагогик нуқтаи назардан ўрганиш ижтимоий педагогиканинг асосий муаммоларидан биридир. Демак, ижтимоий педагогиканинг вужудга келиши ижтимоий

зарурият, ижтимоий буюртмадир. Ижтимоий муносабатларни илмий педагогик нуқтаи назардан ўрганиш ва янада такомиллаштириш давр тақозасидир. Ижтимоий педагогика ўз номига кўра социум, яъни жамият билан Шуғулланади. Шу боис уни жамият тарбияси ҳам дейиш мумкин. Жамият тарбияси деганда “Инсон – инсон” тизими ичида олиб бориладиган тарбия тушунилади. Яъни, бевосита инсонлараро муносабатлар жараёнидаги тарбиявий таъсир, шунингдек ижтимоий институтлар фаолиятининг (хайрия жамғармалари, ташкилотлар, жамиятлар ва ассоциялар) тарбиявий таъсири назарда тутилади. Ижтимоий “ауцайдерлар”, яъни қариялар, ногиронлар, ёлғиз яшовчилар, иқтисодий ночор аҳволда яшовчилар ва Ҳалқнинг шу каби бошқа табақаларига қирувчиларга ёрдам бериш ижтимоий педагогиканинг мақсадларидан биридир. Чунки, фақат жамият ва ижтимоий таъсир воситасида инсонларда инсонийлик, ватанпарварлик, ижтимоий фаоллик, масъулиятлилиқ каби фазилатларни шакллантириш мумкинки, ушбу жараёнда оила, мактаб ва бошқа ўқув муассасалари ёрдамчилар сифатида фаолият кўрсатади.

Фарзанд тарбияси муаммоси азалдан маърифатпарвар аждодларимиз маънавий муаммосининг мазмунини ташкил этган. Жумладан, XIV аср илм фанининг ёрқин намоёндаси ҳисобланган Жалолиддин Девонийнинг “Болалар тарбияси ҳақида ” ва “Ахлоқи Жалолиддин” асарларидаги одоб-ахлоқ ва ёшлар тарбиясига бағишланган чуқур фалсафий ғоялари бугунги кунда ҳам ёшларни тўғри йўлга бошлайди, инсоният ва жамиятга нисбатан турли хил ножўя ҳаракатларни амалга оширмасликка ундашда муҳим аҳамият касб этади. Абдулла Авлоний ҳам ахлоқни шундай таърифлайди: “Яхши хулқларни яхшилигини, ёмон хулқларни ёмонлигини далил ва мисоллар қилдурғон ахлоқдир”.¹

¹ Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёқуд ахлоқ. Тошкент “Халқ мероси” нашриёти 2009й, 112бет.

Г.М. Андреева, Б.Г.Ананьев, А.С.Белкин, С.А.Белечева, Л.Ч.Боновеч, А.И.Догова, П.М.Мобленский, В.А.Мясищев, К.Е.Игошев, Л.М.Зюбин, В.А.Круницкий, Э.Б.Мельнипова каби бир қатор тадқиқотларнинг ўз илмий изланишларида ўсмир ёшидаги ёшларнинг ижтимоий-психологик муаммолари, хусусан болалар психологиясига макро ва микро муҳитнинг таъсири ва унинг девиант ҳуқ-атвори шакллантиришдаги ўрни, ҳуққи оғишганликка мойиллик ва унинг сабаб, оқибатлари ва мотивлари, уларнинг олдини олишга қаратилган чоратadbирлар тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдиришган.

Республикамиз социолог, файласуф, ҳуқуқшунос, педагог ва психолог олимлари (М.А.Саттарова, И.М.Собиров, Й.Каранетов, М.Рахимова, П.А.Аҳмедов, З.С.Зарипов, И.Исмаилов, И.Островский, Ҳ.К.Йўлдошев, М.Г.Давлетшин, Э.Ғозиев, Б.Р.Қодиров, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, В.А.Танарева, Ш.Баратов, Г.Тўлаганова, З.Ф.Камалиддинова, Н.А. Соғинов, Э.Қулжонов, Н.Калиловалар) номидан муаммоли болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича илмий –тадқиқотлар олиб боришган.

Диссертация ишимда ушбу олимларнинг ишларини методологик асос сифатида қабул қилдим.

Айниқса Г.Тўлаганованинг девиант ҳуқ-атворга мойиллик ва унинг сабаблари тўғрисида амалга оширган тадқиқот иши ўзига хосдир. Айниқса, ўсмир ёшида муаммоларни бартараф қилишдаги оғишликларнинг ижтимоий-педагогик томонлари тўлиқ ёритилган.

1. Ўсмир ёшдаги болаларда ўзига хос бўлган девиант ҳуқ-атвори намоён бўлишида унинг ижтимоий-педагогик фаолиятидан чекиниш, орқада қолиш, фаолиятини тан олмаслик, оилавий шарт-шароитларини салбийлашганлиги, ўсмир автономияларга берилиб кетиш, шахс сифатида кетма-кетликда амалга ошириш зарур бўлган жиҳатлардан воз кечиш оқибатида, қуйидаги жараёнлар юзага келиши мумкин.

Б.Р.Қодиров, И.Соғинов , Б.Умаров ва бошқаларни ўз тадқиқотларида ўсмир ижтимоий педагогик фаолиятини шакллантириш, ўсмир ҳаётини мазмун-моҳиятини ёритиб беришга қаратилган ишларини эътироф қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Б.Р.Қодиров ўсмирни ижтимоий-педагогик фаолиятини шакллантиришда касбга йўналтириш, касбий ташхис методлари, касб-корни эгаллаш учун зарур бўлган психологик установакалар ҳақида батафсил маълумотлар қиёсланиб ёритилган.

3. Б.Умаров ўзини тадқиқот ишларида ўсмирни ижтимоий-педагогик фаолиятини оила, мактаб, маҳалла ва тенгқурлари ёрдамида шакллантирувчи ўсмирни психологик , типологик хусусият сифат ва фазилатларини тадқиқи қилган. Унинг тадқиқотларида ижтимоий – педагогик фаолиятининг салбийлашуви ва оилавий муҳит ва асоциалилик ходисаси билан узвий боғлиқлигини тадқиқ қилган.

Ўсмир ёшида баъзи ҳолатларда ҳулқида ўзгаришлари келиб чиқиши ҳам кузатилади.

Ижтимоий-педагогик фаолиятда оғишлиги яъни ўз фаолиятдан чекиниш ҳолатлари, ўқув-фаолиятидаги сустлик, оилавий муносабатлардаги автономиялар, тенгқурлари билан муносабатларида чекинишлар, ўз позиция ва установакаларни салбийлаштириш ҳолатлари ҳам учраши мумкин.

1.2. § Шахс тараққиётинининг ёшга боғлиқ хусусиятлари.

1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генетик омиллар. Шахс индивудал тараққиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётининг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликларига, ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқдидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Ёш тараққиёти давларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларни ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ва шахс ҳуққини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман Психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли давлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуқлик вазифасига эришади.

Масалан, оламни сенсор жихатдан билишнинг етуқлик вазифаси 18-25 ёшларда, интеллектуал, ижодий етуқлик-35 ёшларда, шахснинг етуқлиги 50-60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри давомида муттасил камолга этиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характери, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради.

2. Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги. Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари етакчи фаолият ўқув фаолияти бўлиб унда бола билим олиш билан боғлиқ, малака ва кўникмаларни ортиришдан ташқари, шахс сифатида ҳам муҳим ўзгаришларга юз тутди.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидирки ўсмирлик 11-14 ёшни, катта ўсмирлик 14-15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим хислатлари шундан иборатки, у болаликдан ўспиринлик, катталиikka, ёшликдан етукликка ўтиш давридир. Ўсмирлик- организм тараққиётидаги шиддат ва нотекистлик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсиф тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекистлик бўлиб, бу ҳам бола фелининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номоқуликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб бола тезда ачиқланадиган ёки тўрмизланиш юз берганда депрессия ҳолатидан чиқа олмайдиган тушқинликда қолиши ҳам мумкин. Ўсмир жисмоний тараққиётини белгиловчи асосий омил жинсий балоғат бўлиб, у нафақат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлиқ ҳолда онгнинг жинсий майинлар шу билан боғлиқ нохуш хис кечинмалар, фикрлар пайдо бўладиган бола уларнинг асл сабабини тушиниб ета олмайди. Психик тараққиётнинг ўзига хослиги шундаки у муттасил ривожланиб боради лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Бу тараққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психиканинг мувозанати ва унинг турли фикр ўйлардан чалинишига замин яратади. Айниқса - диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда ўсмир мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-ўйлари дунёсида мушоада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади.

3. Ёшлардаги аттракция ва юксак ҳис-туйғулар.

Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари нафақат профессионал танлов ва касб эгаллаш учун мақбул давр бўлмай, бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш учун мақбул давр бўлмай, бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз

кадр-қимматини билиш ва бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳамдир. Ўсмир ҳам ўспирин ҳам қанча ички рухий изтироб, қарама-қаршилик, маъсулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф-мухитда рўй бераётган ходисаларини онгида акс эттириши катта ўрин тутди. Айнан ўсмирлик пайти бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимнидир ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни рухиятида кечаётган барча ўзгаришлардан вофиқ этиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади.

Биринчи марта дўстлик, муҳаббат, севги тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуклик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик йилларини энг беғубор жозибали ва ёқимли сифатида хотиралайдилар.

Аттракция -бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушинтирувчи эмоционал ҳисдир. Дўстли- ўсмирлик ва ўспиринлик ёшда пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун болага дўсткерак. Дўстликни ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал, рационал, ахлоқий бўлиши мумкин.

Дўстликни асосий шарт- ўзаро бир-бирини тушиниш.

Севги -бу шундай туйғуки, у бир шасхнинг иккинчи бир шахс устидан мулоқот устунлиги ёки афзаллигини инкор этади. Бундай ҳиссиёт эса севги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва қизлар гуруҳда мулоқотда бўлишни хохлайдилар. Бу талаб севишганлар учун ҳам қонун ҳисобланади. Олимлар севгини ёшларда намоён бўлиши ва унинг психологикўрганишган бунинг дастлабки қисми -ўзаро ёқтириб қолиш-симпатия бўлиб, бунда асосан севги объектининг ташқи жозибаси рол ўйнайди. Мавзу юзасидан таянч сўзлан Жузъий ва умумий даврлар, ўсмирлик даври, эгоцентризм, ўспиринликдаври, аттракция, симпатия.

Ўсмирларнинг индивидуал фарқлари.

Инсон ривожланишнинг ҳар бир ёш босқичида бир шахсни бошқасидан фарқ қилидирадиган специфик, индивидуал хислатлар ҳам пайдо бўлади. Шунинг учун билан бирга одамнинг ёши ва ривожланишига қараб индивидуал – типологик фарқлар кўпроқ касб этади. Бир хил ёшдаги ўсмир олий нерв фаолиятини типологик хусусиятларига, жисмоний ва маънавий жихатдан ривожланишига, қобилиятига, қизиқишларига кўра бир биридан фарқ қилади. Шунинг учун таълим ва тарбия борасида мувофакқият кўпинча педагоглар болаларнинг индивидуал фактларини қанчалик ҳисобга олишларига қараб амалга ошади. Ўсмирларда ижобий характер белгиларини хосил қилиш учун педагогика ишининг форма ва методлари болаларнинг индивидуал хусусиятларига мослашган бўлиши керак. Шу билан бирга биргаликдаги бу ёшдаги болалар асаб системасининг тугма типи ҳаётини шарт-шароитлар ва тарбия остида жиддий қайта қуришга дуч келиши мумкин.

Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолияти уларни индивидуал фарқларига ҳам боғлиқдир.

1- даража	юксак даража ижтимоий-педагогик фаолият
2-даража	Ўрта даража ижтимоий-педагогик фаолият
3-Даража	паст даража ижтимоий-педагогик фаолият

Ўсмир шахсининг типологияси ўзгарувчан, мослашувчан, қабул қилувчан, рад қилувчанлаги билан фарқланади.

**Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг индивидуал – типологик
хусусиятлари**

Жадва

№	Боланинг исми	Ўсмирнинг умумий харакатчанлиги, нутқи ирода хусусиятлари	Ўсмирнинг умумий харакатчанлиги, нутқи ирода хусусиятлари	Теварак- атрофга муносабати сезгирлиги	Нерв системаси фаолияти	Хулоса
1.	Атажанов Хўжамурод	Нутқи равон, харакатли	Дикқати кўлами кенг	Ўта сезгир ва уддабурон	Мувозанатла шган	Ижобий
2.	Жуманиёзова Шаркия	Нутқи унчалик равон эмас	Хотираси кучли	Атрофдаги рага меҳрли- окибатли	кўзгалувчан	Ўртача
3.	Искандарова Кумушой	Баъзи дудукланиб туради	Эсда сақлаш яхши	Ёнидаги ҳамкорига эътиборли	Мувозанатла шган	ижобий
4.	Авезов Улуғбек	Ўта харакатчанлашган	Фикрлаш ижодий	Сезгир ва уддабурон	халерон	Ижобий
5.	Матякубова Фотима	Иродали, мустақил	Дикқатнинг кўлами катта	Гуруҳдаги ўқувчиларга муносабати илиқ	самивн	ижобий

Ўсмир ёшидаги ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу унинг ижтимоийлашувига катта таъсир ўтказадиган хусусият ва билиш жараёнидаги ўзига хосликларнинг мавжудлиги бу эса унинг нерв системаси фаолиятига ҳам боғлиқликда кирадиган жараёндир.

1.3. § Ёсмирнинг психологик хусусиятлари

Хозирги даврда ёсмирларни тарбиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари, имякониятлари, хатти-ҳаракат мотивларининг ифодаланишининг ва вужудга келишининг мураккаб механизатори мавжуд, шуни алоҳида такидлат керакки ёсмирларни тарбиялашда уларнинг хусусиятларини тўла ҳисобга олган ҳолда таълими - тарбиявий тадбирларни қўллаш шахслараро муносабатларда англашилмовчиликни вужудга келтирмайди, синф жамоаси ўртасида илк психологик иклимни яратади.

Ёсмирлар муаммосига эътиборни кучайтириш зарур-лигининг асосий сабаблари: 1. фан ва техника ривожланиши натижасида маданият, санъат ва адабиёт, ижтимоий иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгараётгани; 2. оммавий ахборот қўламининг кенгайиши туфайли ёсмирлар онглилиги даряжасининг кутарилгани ўғил ва қизларнинг дунё воқеаларидан, табиат ва жамият қонунларидан, тарихдан етарли даражада хабардорлиги; 4. уларнинг жисмоний ва ақлий камолати жадаллашгани; 5. ёсмирлар билан ишлашда ғоявий-сиёсий, ватанпарварлик ва баналминал тарбияга алоҳида ёндошиш зарурлиги; 6. ошқоролик, ижтимоий адолат, демократик муаммоларининг ижтимоий ҳаётга чуқур кириб бораётгани; 7. ўқувчилар учун мустақил билим олига, ижодий фикр юритишга, ўзини ўзи бошқариш, англаш, баҳолаш ва назорат қилишга кенг имконият яратилгани.

Ўсмирлик ёшида болаликдан катталик ҳолатига кўчиш жараёни содир бўлади . Ўсмирда психик жараёнлар кескин ўзгариши билан ақлий фаолиятида ҳам бурилишлар сезилади. Шунинг учун шахслараро муносабатда талаба билан ўқитувчининг мулоқатида , катталар билан ўсмирларнинг муомаласида каттий ўзгаришлар вужудга келади. Бу ўзгариш жараёнида қийинчиликлар туғилади. Булар аввало таълим жараёнида рўй беради : ахборот , маълумотларни баён қилиш шакли, услуби ва усуллари ўсмирни қониқтирмай қўяда .Ўқитувчининг янги мавзунини батафсил тушинтириши , дарслар мўрза шаклида олиб борилиши талабаларни зериктиради , уларда ўқишга лоқайдлик туғилади. Одобли , дилкаш ўсмир кутилмаганда қайсар, интизомсиз қўпол , тарзарда бўлиб қолади. Катталарнинг йўл-йўриқларида, талабларига мулоимлик билан жавоб қайтариб юрган ўсмир уларга танқидий муносабатда бўлади.

Ўн бир ва ўн беш ёш ўқувчиларда фаолиятнинг мазмунини ўзгаради. Жамият аҳамиятига эга фойдали меҳнат етакчи бўлади. Янги даражада психик процеслар ўтади. Шахсда сифат жиҳатдан янгиланиш вужудга келади, ўзини англашда сифат ўзгаришлари бўлади. Натижада ўсмирда ўзини катта киши деб тасавур қилиши шаклланади. Катта бўлишга, мустақилликка интилиш , атрофдагиларга танқидий!» муносабатда бўлиш, жамоа ҳаёти нормаларига бўйсунуш малакаси ҳуққ атворни активлик йўналишини аниқлайди».

Ўсмирлик ёши тана тузилишидаги муҳим ўзгаришлар физиологик жараёнлари ўтиши, жинсий ривожланиш билан характерланади. Бу ёшда бўлиб ўтадиган айрим ўзгаришлар ўсмирнинг ҳаракат фаолиятига тўғри муносабатдадир. Маълумки ўн бир ўн беш ёшда тананинг юқорги ва пастки қисмидаги суяклари жадал ўсади» ривожланади, аммо кўкрак қафаси ва бел суяклари аста секин ўсади, мускул оғирлиги ҳам айтарли кўпаяди лекин мускиллар ўсиши суяклар ўсишидан орқада

қолади. Бу ёш давридаги айрим мускул - суяк ўзгаришлари уятчанлик , тортинчошлик хусусиятларига сабаб бўлади. Миянинг тез-тез кислород билан тўйинмаслиги ўсмирларнинг тез чарчашига сабаб бўлади. Ўсмирларда кўникмалар тезда ва узоқ вақтга мустахкамланади.

Харакатнинг англаб олиш деганда сезгиларнинг дифференцияллиги, идрокнинг тўғрилик , тасаввурнинг тўлиқлиги, анализ қилиш қобилияти тушунилади. Шунинг учун бу ёш даврида ўсмирлар билан ишлашда уларнинг билиш жараёнларини қуйидаги хусусиятларини ҳисобга олиш зарурдир. Ўсмир предметни идрок қилганда , кичкина ўқувчилардаги каби катта ролни биринчи кўриш муҳим рол ўйнайди . шунинг билан бирга ўсмир идрок қилинган нарсаларни енгил анализ қилиш қобилиятига эгадир.

Ўсмирнинг идрок мазмунлироқ , давомийроқ бири ва режалаштирилгандир . Бу аса ундаги кузатишнинг мақсадга йўналтирилган, ташкил қилинган идрок бўлишига имконият яратади.

Ўсмир ёшида тафаккур , кичкина ўқувчилардаги каби конкрет образли характер касб этади. Ўсмир билим олиш натижасида кўргазмали материалга эътибор беришга интилади. Харакатларни анализ қилишда тўғри ясалган плакатлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу вақтнинг ўзида ўсмир ёшида тафаккур мантикий системали, кўрсатмали, танқидий бўлади. Ўсмирда мустақил анализ қилиш, таққослаш, умумлаштириш қобилияти ривожланади.

Бу ёш даврида ўсмирлар ходисаларининг сабабини топиш, мазмунига кириб кетиш, сабабларини тушунтириш учун интиладилар.

Ўсмирнинг диққати ихтиёрийроқ бўлиб қолади. Ўсмир қизиқ ва муҳим иш билан шуғулланиб, узоқ вақт диққатини бир нуқтага қарата олади. Ундан диққатни тезда бир жойга йиғиш ва тақсимлашга малака пайдо бўлади. Кузатишлар кўрсатадики ўсмирларда диққат кичик мактаб

ўқувчилариникига қараганда сусаяди. Бу эса кўплаб сабаблар билан боғлиқ. Биринчидан ўсмирларнинг хаёт ва ўқиш шароити ўзгаради. Иккинчидан ёмон диққатнинг сабаби қўзғалиш ва тўрмизланишнинг нормаллашмаганлигидир. Шунинг билан бирга ёмон диққат ёшликда диққатнинг яхши тарбияланмаганлиги натижасидир.

Ўсмирлик ёшида эмоционал кечинмалар, ўсмирнинг атроф мухитга муносабатининг ўзгариши каби сифати ўзгаради. Катталар билан, тенгдошлар билан асосан бошқа жинсдаги тенгдошлар билан муносабат мураккаблашади.

Ўсмирлар ўқув фаолиятига, ўзига янгича ёндоша борадилар. Бунинг ҳаммаси ранг баранг мураккаб, қарама-қарши кечинмаларнинг манбаи ҳисобланади. Ўсмирлик ёши юқори эмоционал қўзғалиш билан, қўзғолишнинг тўрмизланишдан устунлиги билан, кайфиятнинг тез ўзгариши билан, аффектларга берилиш билан, кечириладиган кечинмаларнинг тезда кўриниш билан характерланади. Иродавий кўринишлар ўсмир ёшида бу кўринишларнинг кичик мактаб ёшидагисидан деярли фарқ қилади. Билимларнинг интензив йиғилиши, билиш имкониятларининг кенгайиши, кишилар билан мулоқот тажрибаси, атроф мухитга муносабат, ўзининг қилган ишларига жавобгарликнинг ошиши- бу ҳамма факторлар ўсмирларда иродавий ривожланишини аниқлайди.

Ўсмир одамлардаги иродавий сифатларни юқори баҳолайдилар. Бундан ташқари ўсмирда кучли қўзғалиш бўлганда сабрсизлик, тезакилик, ўзини тута билмаслик каби салбий хусусиятлар кўринади. Ўсмирлик ёшида ўзининг “мен”га, ўзини билишга интилиш, ўзининг қобилиятини, кучини билишга қизиқиш кучаяди. Ўз-ўзини англашнинг интензив ривожланиши ўз-ўзини тарбиялашга эҳтиёжни пайдо қилади. Ўсмирлар актив, кучли ботир бўлишга интилади.

Ўсмир шахсининг муҳим хусусияти –ўзини тасдиқлашга интилишдир. Бу эса фикрлар мустақиллигини, ҳукмлар, қарорлар мустақиллигини аниқлайди. Ўсмир жамиятда, қолаверса тенгдошлар каторида ўз ўрнини топишга интиладилар.

Ўсмирлар жамоаси кичик ўқувчилар жамоасига қараганда мураккаб тузилишга эгадир.

Ўсмирлик инсон шахсининг камол топишида алоҳида ўрин эгаллайди. У инсон камолотининг муҳим босқичи ҳисобланади. Ўсмирлик даврида ғоят катта аҳамиятга эга бўлган психологик ўзгаришлар рўй беради, боланинг муайян ижтимоий турмуш шароитида кейинги камол торпиши учун таълим-тарбия таъсирида барқарор, мустаҳкам из қолдирувчи ижобий ҳисларталр намоён бўлади. Тадрийжий равишда изчил вужудга келаётган психик ўзгаришлар, шаклланаётган фазилатлар фаолиятларининг хусусиятига бевосита боғлиқдир. Ўсмирнинг бошқа ёш даврларидан фарқланадиган ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар хис-туйғу ва иродавий сифатларда ўз ифодасини топади. Ўсмир кичик мактаб ёшдаги ўқувчидан фарқли равишда ҳаётни илк бор шахс сифатида фаол илмий билишда иштирок эта бошлайди, биринчи галда фақат нарс ва ҳодисаларнинг аломатларини эмас, балки уларнинг умумий ва объектив қонунларини англаб етиш, тушиниш имкониятига эга бўлиб боради.

Ҳозиргача балоғатга эришиш ва жинсий етилишнинг жадалланиши тўғрисида бир бутун илмий назариялар мавжуд эмас.

Шунинг учун ўсишдаги жадаллашув, яъни акцелация бўйича ҳам муайян назария яратилмаган. Ана шу боисдан ҳар-хил илмий асосидаги, бир-биридан фарқли этирозли қатор назариялар пайдо бўлган.

Г е л и о г е н н а з а р и я с и 1936 йилда чет эл олимлари томонидан яратилган бўлиб, унинг асосий моҳияти акселероция ҳодисаси қуёш нурунинг бевосита таъсири билан вужудга келади, деган ғоядан иборатдир. Бу ғоя тарафдорларининг фикрича, болалар кўп вақт офтобда

бўлиши натижасида уларнинг ўсишида тезлашиш, яъни акселерация рўй беради, чунки қуёш нури организмда зарур элементлар моддалар, озукалар билан таъминлайди.

Г е т е р о з и я н а з а р и я с и – X-IX аср охири XX аср бошларидан буён ижтимоий ҳаётда турмушда кескин ўзгаришлар содир бўлгани инсонлар ўртасидаги ижтимоий, диний, миллий, ирқий тафовутларнинг камайишига олиб келди. Турли миллат вакилларининг аралаш нигоҳига кира бошлагани бунга ёрқин мисолдир.

У р б а н и з а ц и я н а з а р и я с и г а – жамият ривожланишидаги шахслараро роли ортиши асос қилиб олинган.

Н у т р и т и в н а з а р и я н и н г туб моҳияти шуки, ўсишдаги жадаллашиш /акселерация/ одамларнинг овқатланиши яхшиланиши, истеъмол қилинаётган озукаларда дори-дармонлар кам миқдорининг кўпайиши сабабли вужудга келади.

Ўсмирнинг ижтимоий- педагогик фаолиятига таъсир қилувчи омиллар.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушунилади, одам шахс бўлмоғи учун рухий жихатдан тараққий этган, ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарқ қилган бўлиши лозим. Хар бир одам шахс сифатида турлича намоён бўлади. У ўзининг характери, қизиқиш ва қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, эҳтиёжи ва меҳнат фаолиятига муносабати билан ажралиб туради. Булар шахснинг ўзига хос хусусиятлари бўлиб, ана шу рухий хусусиятлари ривожланиб, маълум бир босқичга ўтсагина уни мукаммал камол топган инсон дейилади. Хар бир шахснинг ижтимоий воқеликка, меҳнатга, кишиларга, жамиятга бўлган муносабати турлича.

“Шахс” номини олиш учун нималар даркор?

Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида “шахс” номини олиш учун унга ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фанибуларни шахс сифатида ривожланиши, унинг хар томонлама камолга етиш қонуниятларини, унга таъсир этувчи

объектив ва субъектив омилларни ривожланиш жараёнига алоқадор даврларни аниқлаш керак. Шунга асосан педагогика фани шахснинг ривожланишида таълим, ўқиш, тарбия ва бола фаоллиги, ўз-ўзининг тарбиялаш босқичларини аниқлаш лозим.

Инсон шахси кўплаб омилларнинг мураккаб ҳаракати ва ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг натижаси ҳисобланади. Педагогика шахснинг камолга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг камолига етишида насл (ирсият), ижтимоий муҳит ҳам мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва нихоят ўзининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга шахс қайси жамиятда яшаса, ўша жамият ҳаётидаги қонун-уоидаларга асосан камол топади. Жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги юксак бўлади, у шахсга шу қадар катта таъсир кўрсатади ёки аксинча.

Техника, технология мукаммалikka эриша бориши оқибатида улар ҳам ўз навбатида одамнинг ақлий ва ахлоқий жихатдан ўзгаришига сабаб бўлади. Тарбия-кишини шакллантириш билан шуғулланади.

Биологик омиллар. Шахсни шакллантириш- кишини анатомик- физиологик, психик ва социал камолоти формасида юз берадиган ички ва ташқи табиий ҳамда ижтимоий шарт-шароитлар билан белгиланажиган муҳим жараёндир. Барча жонли организмлар каби одамнинг ривожланиши ирсий омили таъсири билан боғлиқ. Киши туғилганидек ўзига хос муайян қобият нишонлари билан дунёга келади. Улар шахснинг турли жихатларини ривожланишда, айниқса психик жараёнлар ривожтда, ҳис туйғуни изҳор этиш соҳасида, истеъдод жиддий ўрин эгаллади. Ирсият шахс ривожланишининг маъноларидан бири сифатида фанда ҳали етарли даражада ўрганилган эмас.

Шахс муайян мақсадга йўналтирилган ҳолда шакллантириш омиллари. Муҳит болага кўпинча уюлмаган ҳолдаги таъсир ўтказади, ундай таъсир стихияли тарзда ва мақсадга йўналтирилмаган бўлади. Шу сабабдан кишининг шаклланиши учун ҳатто жуда ҳам қулай бўлган ёлғиз бирлигина муҳитнинг таъсирига ишониш бу жуда ҳам шубҳали, ҳам ишониб бўлмайдиган ишдир. Боланинг атроф муҳит билан муносабатлари ҳамиша катта ёшдагилар ёрдамида рўй беради. Тарбия бор жойда ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари, болаларнинг ёши ва индивидуаль

хусусиятлари хисобга олинади, мухтнинг салбий таъсири сусайтирилиб болаларда мухитнинг ноқулай таъсирига қарши маънавий барқарорлик шакллантирилади. Тарбия бор жойда бола олдинроқ ўзини тарбиялаш холига эга бўлади.

Ижтимоий педагогик фаолиятда ўз-ўзини баҳолаш.

Ўқувчиларда ўз-ўзини тарбиялашда яъни ўз устида онгли ва тартибли ишлашга эҳтиёж пайдо бўлгандагина тарбия жараёнини самарали деб хисобласак бўлади. Ўқувчиларни айниқса ўрта ва катта ёшда дейилади. Ўз билим ва малакаларини мустақил оширишларига йўллаш керак. Ўз-ўзини тарбиялаш ўқувчиларни ўзини ўзи идора қилиш органлар фаолиятида қатнашишлари уларнинг ижобий фаоллик мавқеяларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Ўқувчилар ўқишда, тарбияда дам олишда ва ўз-ўзини тарбиялаш усулларида фойдаланадилар. Ўз-ўзини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустақилликка ундайди. Ўз-ўзини тарбиялаш сифатлари бола бола бунга тайёр бўлганда ўз-ўзини шахс деб англай бошлагач амалий ишларда мустақиллик кўрсата бошлаган вақтда пайдо бўлади. Ўз-ўзини тарбиялашда (ахлоқий, жисмоний, хиссий, идоровий ва интеллектуал) маслаҳат ва кўрсатмалар бериш лозим. Бунда ўқувчиларнинг ўзалрини хатти-харакатларига танқидий руҳда бўлишига ўргатиш жуда муҳимдир.

Ўз-ўзини таҳлил қилиш. Ўз шахсининг фазилатларини таҳлил қилишга хатти-харакатларни ўйлашга ўрагатади. Ўз-ўзини назорат қилиш учун ўқувчини ўзининг юриш-туришига интизоми, ижобий одатларининг ортиб бориши ва аксинча. Салбий одатларнинг камайиб боришида кундаликка ёзиб боради.

Ўқувчиларнинг қобилияти ўз кучи билан ўзига чиқаришига ёрдамлашиши зарур. Ўз-ўзини баҳолаш, лекин ўқувчиларни бўйига етарли тайёрлаш мумкин. Шу боис ўқувчи иродади бўлиши яъни таҳлили ва тарбиялашни хохлаши, ўзини ўртоқларининг яқин кишиларининг кўзи билан кўриши ва ўзини-ўзи такомиллаштиришга интилиши зарур. Ўқувчилар муайян вақтда белгиланган вазифаларни бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб қўядилар. Кейин хисобот берадилар. Бу эса уларнинг ўз хатти харакатлари учун жавоб беришга маъсулиятларини хис этишга ёрдам беради.

Мактаб ёшидаги бола ўзи учун қизиқарли бўлмаган, аммо керакли нарсаларни билиб олади.

Ўқиш мия функциялари ривожланишига кучли омил бағишлайди. Предмет орқали тафаккурдан аста секин мавхум изохли мантикий тафаккур учун шароит туғилдаи. Бу даврда ўқитувчи боланинг фикрини нарсалр ва ходисаларнинг қонуниятли тарзда боғлиқлигини идрок этишга йўналтириш мақсадида бевосита таъсир қиладиган объектларни танлаш зарур.

Болалар ўқиш хар кимдан жиддий ирода кучни талаб қилишини қанчалик тез тушуниб олсалар, хис этсалар уларда диққат барқарорлиги шунчалик эртароқ пайдо бўлади. Бу ёшда ўқувчилар жуда ҳаракатчан, актив бўлиб, кўпинча ўз хулқ атворини етарли даражада илора қила оладилар, таъсирга тез бериладилар ва ўзини тутта билмайдилар. Албатта боланинг ҳаракатчанлигини ман этиб бўлмайди, шунинг учун уларнинг ҳаракатчанлигини тўғри шаклларда уюштириш, унга маъкул келадиган йўналиш бермоқ керак. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчилар билан экскурсиялар, балиқ овлаш, биргаликда меҳнат қилиш, туризм физкультура \сингари фаолият турларидан ўринли фойдаланиши лозим. ўқитувчи бу ёшдвги болалар хали коллектив ҳаёт кечириш масаласида етарлича тажрибага эга эмасликларини ҳам эътиборга олиши, улар характеридаги қизғанчлик, шикоят қиливериш, ўз истагини умумий мшга бўйсундира билмаслик ана гунинг оқибати эканини эсда тутиш керак.


Ўсмирлик ёшининг энг характерли белгиси- боланинг катта одамга айланиши, унинг балоғатга етишидир. Бу ёшдаги болалар жисмоний ва маънавий жихатдан вояга ета бошлайди, у нисбатан кўпроқ даражада катталар ҳаётининг иштирокчисига айланади, оиладаги анча маъсулиятли вазифалар унинг зиммасига юклатилади. Шунга яраша унинг яқинлари катта ёшдаги кишилар ҳам унга нисбатан бошқача муносабатда бўла бошлайди. Яъни, энди улар уни ёш бола деб ҳисоблашмайди, аммо бу ёшдаги ўсмирдаги маънавий ва жисмоний кучлар катталарга тенглашиш учун ўз режасини амалга ошириш учун етарли даражада пухта бўлмайди. Ана шунгаўхшаш ички зиддиятларни ота-она, педагог ҳисобга олиши лозим. Ўқувчилар ота-оналар аксари ўсмирликларда ортиқча жиззакилик, қўполлик, ёлғизликка интилиш, ўжарлик ва бошқа

салбий хислатларнинг борлигини, мактабда дарсларни яхши ўзлаштира олмаётганини айтишди. Ўсмирлик бошқаларни бази қачиликларини сезиб қолиб ун таниқд қилади, аммо ўзига объектив баҳо бермайди. Харақтери тез ўзгариб туради, яъни у хар нарсадан бесабаб ишқал чиқаради, уятчанликдан мактанчокликка, ташаббусқорликдан бир захотда бефарқликка қадар ўзгариб туради. Шунинг учун ўсмир ички дунёсини тушунган, унинг ээтиёжларини ва уларни қондира билиш йўлларини билга ўқитувчи ва ота-оналар бу ишда мувофаққият қозонадилар. Улар ўсмирни хаёлпарастликни, сирлиликни, рақобат ва мусобақалашишни яхши кўришини ҳам хисобга олишлари керак. Бу ёшдаги болалар хаётида шахслараро катта ўрин эгаллайди. Улар ўзаро дўстлик, ўртоқлиу муносабатларини ўрнатадилар, бир-бирларини ёқтириш ва ёқтирмаслик бирдамлик ва бегоналашув, коллективчилик ва индивидуализм ўқитувчилар диққат марказида туриши керак.


Ижтимоий педагогик фаолиятни олиб боришда жинсий ва жимоний етуклик масалалари.

Ёшлик даври ўғил ва қизларнинг жисмоний ва маънавий етуклик даврига қўядиган ёш хисобланади. Ёшлик бу шахс балоғати ва шаклланишининг якунловчи босқичидир. Ўспиринлик даврида тўла ўзининг шахсига ва унинг хусусиятларига катта қизиқиш билан қарайди. Ёш йигит ва қиз ҳам худди ўспирин каби ўзининг кимлигини, нималарга қодирлигини жуда билиши жуда билишни истайди. Бу ёшда улар катталарга тахлил қилишни ёқтирсаларда, лекин буни яширинча кирадилар. Улар хаётида муаммолар фаолияти ва у билан боғлиқ тарздаги яккаланиш катта ўрин эгаллайди. Юқори синф ўқувчиси учун ўз тенгдошлари уни ёқтиришлари гурппада ўзининг кераклигини хис қилиш унда муайян таъсирига ва обрў эътиборига эга бўлиш жуда мухимдир. Бу бир даврда баъзи ёшлар стихияли кучга бирлашмаларига қўшилиши мумкин. Бунда ўқитувчилар коллектив, ўқувчиларнинг ўзини ўзи идора қилиш органлари, ёшлар ташкилотлари фаолияти бу стихияли ташкил топган гурппаларнинг салбий оқибатларини олдини олиш борасида жамият кўрсатишлари

керак. Бу даврда пинхоний дўстлашувга эҳтиёж кескин кучаяди, бу дўстлик маълум даражада севги мухаббатга ҳам туртки беради.Шунинг учун ҳам А.С.Макаренко “Агар ёш йигит ўз ота-оналарини, ўртоқларини, дўстларини севмаган бўлсак, у ҳеч қачон ўз қайлиғини ва хотинини севмайди деб” деб ёзган эди.



Ижтимоий педагогик- фаолиятнинг муҳим босқичлари



II-боб. Ўсмир –ёшидаги болалар билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятининг ўзига хослиги

2.1. § Ўсмирларда ижтимоий- педагогик фаолиятни шакллантириш шарт-шароитлари

Ўсмир учун ижтимоий-педагогик фаолиятнинг яна бир асосий йўналиши бу , оиладаги ўзаро муносабатлар, боладаги унга бўлган муносабатлар, унинг бошқа оила аъзоларига бўлган муносабатлари, энг асосийси соғлом муносабатлари, энг асосийси соғлом ижтимоий-муносабатларни шакллантириш масаласи ҳамisha долзарб ҳисобланади.

Психолог олим В.Каримова ўзини оилага тааллуқли рисоаларида шахсни ижтимоийлашувида оиланинг роли ва унинг бекиёслиги шундай ифодалайди “Ўсмир учун оила тури, муносабатлар турли, муаомала ва мулоқот ҳаётининг асосий мазмуни деб қабул қилинади, шу сабабли у учун ота-онанинг тажрибаси муҳимдир. ”

Ўсмир ёшларнинг хулқ-атворнинг намоён бўлиши ота-оналарнинг муносабати услубларига ва муносабатларини намоён қилиш этапларига боғлиқдир.

Бу жараён 4 та этапни ўз ичига олиб, усмирнинг дунёқараши, установкаларири, позицияси, ва энг асосийси ривожланишга катта таъсир кўрсатади.

**Ўсмирларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларнинг
намоён қилиш этаплари**

Ўсмирни ақлий
жисмонан
ривожланишни мунтазам
кузатиш ишларини олиб
бориш.

Жамият учун зарур бўлган
режалаштириш ишларини
амалга ошириш.

Ўсмирликнинг ўзига хос
хусусиятларини намоён қилишга
имкон яратиш

Оила ва унинг аъзолари билан биргаликда
ижтимоийлашувга тайёрлаш

Ўсмирлардан олинган жавоблар:

№		Ҳар куни %	Ойда %
1	Ота	10-15 минут	2-3 соат
2	Она	30-1 соат	4-5 соат
3	Акалар	1-2 соат	5-6 соат
4	Сингиллар	6-8 соат	10-15 соат
5	Буви, бувалар	20 минут	5 соат

1. Ёсмирлар оталари билан зарурат юзасидан мулоқот қилишади.
2. Онаси билан уни ҳуқуқларидан ва аҳамият касб этадиган мавзуларда мулоқотга киришади.
3. Опалари билан бевосита мулоқотда бўладилар.

Оиладаги барча аъзолар билан мулоқотга кириши, уларни установкалари, қарашлари, норасмий гуруҳ сифатида ахборот алмашиш, ўзини тутиши, ҳулқ-атвори, мавқеи, унга таъсир қилувчи гуруҳий мулоқотлар, шахслараро мослик масаласи, лидерлик, тайзикқа берилувчанлик, ижтимоий-педагогик фаолиятини ўзига хос тарзда намоён қилиш сабаби бўлади.

Оилада ота ёсмир билан фақат 10-15 дақиқа мулоқот қилса, бу расмий мулоқот турини белгилайди.

Она ярим ва бир соат вақт мулоқот қилса, ёсмир ўзида кечаётган ҳуқуқий, психологик, жисмоний ва иқтисодий автономияларни намоён қилиш тўлиқ амалга ошира олмайди. Чунки у томонидан саволлар кетма-кетлиги ва шу жараёнда муносабатларни акс этиши ўзига хос тарзда намоён бўлиши кузатилади.

Аниқ, тўлиқ, ҳаққоний ва ҳаётӣ позитцияга эга бўлиши учун бу энг асосий омил ҳисобланади.

Оиладаги бошқа аъзолар билан амалга ошириладиган мулоқот ва муносабат услубларини унинг “Мен”ни ва идиалдаги “Мен” қайғусида шаклланаётганидан далолат беради.

Бу эса унинг ижтимоий фарқланишлар ва ижтимоий тестларни юзага келтиради., бу эса ота-она , мураббий, педагог ва психологлар учун катта вазифаларни юзага келтиради.

Касбий – маданий муносабатлар тизими

Т/р	Муносабат турлари	Фоииз
-----	-------------------	-------

		хисобида
1.	Болалик, бола шахсини ҳурмат қилиш	100
2.	Ўз касбини дилдан севиш	98
3.	Ҳар доим касб бурчи ва маъсулни ҳис этиш	97
4.	Фидойилик	97
5.	Адолатлилик	96
6.	Бошқаларни ишонтара олиш, ишончга кириш ва ишончни оқлаш.	95
7.	Билимдонлик ва ижодкорлик	94
8.	Ўз – ўзига талабчанлик	93
9.	Янгиликка интилувчанлик	91
10.	Муаммоли ва зиддиятли вазиятлар кришимли бўлиш.	89
11.	Кечиримли бўлишлик, бола шахсига ишониш	88
12.	Ташаббускорлик	85
13.	Маъанвий ва миллий меросларни яхши билиш	84
14.	Ватанпарварлик	82
15.	Сабр-бардошлилик	77
16.	Касб маҳоратини эгаллашга интилиш	79
17.	Назокатли, иболи, нозик дидли	77
18.	Одамларга ишониш	77
19.	Жисмоний баркамоллик	73
20.	Чет тили билиш	68


Ўсмир фаолиятида “Инсон-инсон” муносабатида асосланади. Шу сабабли ҳам объектив, ам субъектив бўлган “шахс” масаласига ўзгача ёндошилади.

Ўтказилган тадқиқотларга асосланиб, “Ўқитувчини хизмат қилиш, инсонга меҳр ва муҳаббат” масаласи, муносабат сифатида ўсмир ўз фаолиятида “негиз” ролини ўтайди.

Мазкур жараёнда муносабат бу фаолликка интилиш демакдир. Фаолликнинг ўзи эса касб фаолиятини ташкил этади. Касбий-маданий муносабатлар шахслараро амал қилинадиган ижобий муносабатлар ечимига эришишида асосий восита вазифасини бажаради. Шундан келиб чиқиб, касбий-маданий муносабатлар деганда замонавий касб маҳорати талаб ва мақсадига ва эришишнинг ўзига хос ижтимоий, маънавий шарт-

шароитлари ҳамда шахс фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган педагогик жараёнлар натижасига айтилади. Мазкур жараёнда шахсда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган сифатлар шаклланади.

(1-чизма)



Тадқиқотларда исботланган, касбий-маданий муносабатларнинг тизими, талабалик йўлларида яққол намоён бўлиши ҳамда “Ўз касбини дилдан севиш”, “Билимдонлик” ва “Ижодкорлик”, “Ўз-ўзига талабчанлик”, “Ташаббускор” ва “Фидойилик” ўсмир учун зарурат ва сифат белгиси ҳисобланиши аниқланган.

1-чизмада кўрсатилишича, ўсмир учун зарур касбий-маданий муносабатлар динамикаси бевосита ва билвосита кузатиш орқали аниқланган.

“Менинг ижтимоий фаолиятимга ва касбимга бўлган муносабатим”- мавзусида 1400 дан ортиқ ўсмирлардан олинган иншо сабабли ўз касбига бўлган муносабати мотивлари аниқланган.

Бунда касбий-маданий муносабатлардаги янгича ёндошувлар асосан коммуникатив муносабатлар орқали амалга ошиши мумкинлиги ўз исботини топган.

Булар: самимийлик, мулоқот маданияти, суҳбатдошини тўғри тушуниш ва у билан мунозарага кириша олиш, ўз фикрида тура олиш, муаммоли вазиятларда киришимли бўлиш, ўз-ўзига талабчан ва ижодкор бўлиши исботланган. Бу муносабатлар ўсмирда 14-15 ёшда кузатилган.

2.2§. Ўсмирлар ижтимоийлашувида касбий муносабатларни ўрни.

Ўсмирларни касбий муносабатларни шакллантиришда ўз-ўзини бошқара олиш, ўз фаолиятининг субъектига айланиш жараёни муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари ўсмир қандай қилиб касбий-маданий фаолиятга йўналтириш мумкин, ишонтириш, ишончни оқлаш, ўзгаларга нисбатан ишончни юзага келтириш масалалари ўта муҳим саналади.

Муносабатларнинг ижтимоий-психологию моҳияти ривожда ўсмир шахсининг касбий-маданий муносабатлари бевосита 2 хил кўринишда амалга ошади.

- 1) Психологик индивидуал (якка тартибдаги) хусусиятлари билан боғлиқ бўлган муносабат.
- 2) Касбий – маданий мақсадларга қаратилган муносабат.

Ўсмирнинг индивидуал (якка тартибдаги) хусусиятлари, аввало унинг характери, диққати, хотираси, иродавий сифатлари билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Психолог бундан ташқари шахсларнинг соғлиги, ижтимоий

келиб чиқиши ва оилавий шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган хусусиятларини, албатта назарда тутиш лозим.

Касбий-маданий мақсадларга қаратилган муносабатда ўсмир касб танлаш мотивлари, унинг ўсиб бориши динамикасига алоҳида эътибор қаратади.


Айниқса, ёшларнинг психологияни касбга бўлган муносабатларида шаклланган ижобий ўзгаришлар педагогнинг ўз касбига бўлган муносабатлари ҳосиласи эканлиги аниқланди.

Эътиборни ижтимоий-педагогик муносабатларнинг шаклланиши динамикасига қаратадиган бўлсак, бу ҳолат жадвал кўринишида келтирилган:


**Ижтимоий-педагогик муносабатлар жараёнига ҳос касб танлови
мотивлари**

Т/р	Мотивлар	Ҳоиз ҳисобида		
		Мақтаб ўқитувчиси	Академик лицей талабаси	Университет талабаси
1.	Севимли ўқитувчисига таҳлид қилиб	47	48	49
2.	Ҳанга қизиқиб	29	31	32
3.	Болани севиб	15	16	17
4.	Ота-онасининг маслаҳатига кўра	9	5	2

Касбий-маданий муносабатларни амалга ошириш педагогик таълим-тарбиявий ишларни тўғри режалаштира олганлиги ота-оналар билан ўзаро муносабат ўрната олиш, ўзининг касб-фаолиятини тўғри таҳлил этиб, янгиликка ва ижодкорликка интила бориш билан боғлиқ эканлиги ўрганади ва юқорида келтирилган жадвал асосида умумлаштирилди.



1-шакл Таълим жараёнини ташкил этиш шартларининг умумий тузилмаси.



4-шакл. Методлар тузилмас

3-боб. Ўсмир ёшидаги болалар билан олиб бориладаган ижтимоий-педагогик фаолиятнинг мазмуни.

3.1§.Ўсмирлар ижтимоий-педагогик фаолиятини шакллантиришда мулоқотнинг ўрни

Мулоқот ва муносабат Шахслараро муносабатлар тизимида шахсининг ривожланиши.

Инсон кўпгина ва турли туман ижтимоий муносабатларни субъект, яъни манбаси ҳисобланади. Бу муносабатларда 2 та асосий турни ажрата билиш керак.

- 1). Ижтимоий муносабатлар.
- 2). шахслараро муносабатлар.

Биринчиси шахсларнинг жамиятда тутган ўрни, роли ҳақидадир яъни уларни аниқ белгиланган ва тасдиқланган хатти-ҳаракатлари, яъни улардан кутилаётган жамият учун керакли бўлган хатти-ҳаракатлардир. Демак, буларни манбаси (субъекти) шахс эмас, балки жамият ҳисобланади.

Шахсни ижтимоий ўрни (роли) аниқ белгиланган хатти-ҳаракат эмас, бу жараёнда шахс ўз ўрнини (ролини) қандай тушунганлиги, қандай услуб билан бажариш кабилардир. Яъни оталик (ўрни) роли, вазифаси, ҳисоби вазифасини ўйинчи, жиноятчи вазифасини қандай бажаришдир.

Манашу жамиятга доир муносабатларда шахслараро муносабатлар пайдо бўлади ва ўзаро муносабат ролларини шаклланади ҳамда бизга маълум бўлган “ғирт калла-кесар”, “ғирт махлук”, “мана йигит”, “йигит деган шунақа бўлади” деган умумлаштирувчи муносабатлар келиб чиқади.

Шахслараро муносабат ижтимоий муносабатдан фарқи уларни ҳис хаяжонида; яъни ижтимоий психология кўрсатиб беришга кишиларни бир-бирларига конъюктив яъни биронта ижтимоий фаолиятда ўзини кўрсатиш орқали яқинлашуви ва буларга қарама-қарши дизактив яни бир-бирларидан узоқлашувида. Демак бу жараёнда шахслараро бир-бирига ҳоҳиш, истак, ҳурмат ва баъзи бирларини ёқтирмаслик, дағаллик кабилар ҳам келиб чиқади. Жамиятнинг ҳар бир асосини ёки салбий ҳис-хаяжонларини пайдо бўлишларини сурагга олиш ва уларга қандай ёндашиш кераклигини ижтимоий психология фани ўргатади.

Муносабат масаласини (формасини) шакли асосида эмас, балки унинг маълумки бир асосида ўрганиш керак. Яъни муносабат механизмига (қонуниятларига) эътибор бермоқ керак. Муносабати ва фаолият бирлиги муносабат орқали фаолиятни ташкил қилиш ва бойитиш кабиларни мисол қилиш мумкин.

Муносабат тизимини очиб беришда учта бир-бири билан боғлиқ томонлари:

- коммуникатив (фикр алмашув, фикрлашиш, тушуниш);
- перцептив (қабул қилиш, идрок қилиш);
- интерактив (ташқи характерланиш ичик характерга айлантириш жараёни) орқали бир-бирлари билан ахборот алмашадилар ва фаолиятларида бир-бирига таъсир қиладилар.

Бу жараёнлар бир-бирлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошади, лекин уларни бир-бирларидан ажратган ҳолда ўрганиш эксперимент тажрибавий изланишларни анализ қилиш учун керак.

Комуникация (фикр алмашув) муносабатида ахборот бериш катта ўрин эгаллайди, ҳамда бир-бирини тушунишга олиб келади ва активлик манбаси ҳисобланади, натижада ахборот фақат қабул қилиниб қолинмасдан балки ўйлашга, фикрлашга ёки маълум бир хулосага олиб келиши мумкин, иккинчидан , ахборот алмашиш битта коммуникацияга

(шахс) иккинчиси томонидан психологик таъсир қилишни келтириб чиқаради, натижада муносабат жараёни ўзгариб боради. Учинчидан, уларни бир-бирларини тушуниши учун каммункатор (ахборот етказувчи) ва рецидент (ахборот қабул қилувчи) бир-бирларига ўхшаш тизимни билмоғи керак; Тўртинчидан, ахборот жараёнида турли тўсиқлар (ижтимоий, сиёсий, диний, касбий каби) пайдо бўлиши мумкин. Бу ижтимоий сабаблардан ташқари аниқ психологик тўсиқлар (уятчанлик, ичимдагини топ, мезонидаги, ишончсизликлар кабилар) ҳам пайдо бўлиши мумкин.

Демак жамиятдаги ахборот тарқатиш ўзига хос филтёр (анализ) қилиш жараёнидан ўтади. Бу филтёр (анализ) ишониш ва ишонмаслик ҳолларини келтириб чиқаради.

Ишонч ва ишонмаслик жараёнини енгиллаштирувчи-манбалар ҳам мавжуд бўлиб ахборотни қабул қилишга босқичига таъсир қилади. Бунга нутқни дахлдор ва турли рангларда ифодаланиш жараёни киради. Ахборот икки турдан иборат бўлиб у сескантирувчи (яъни буйруқ, илтимос, кенгаш кабилар) иккинчидан констатлик даражасида ахборотни изоҳлаш киради. Турли ахборотларни рамзий белгилар орқали ҳам етказиш мумкин. Лекин асосий ахборот мезони бу нутқ ва уни ифодалашдир. Реторика ҳам асосий хусусиятга эга бўлиб унда ишонтириш маданияти юқори туради. Ахборот жараёнини 5 та тушунча орқали таъминлаш мумкин.

1. Ким ахборот қиляпти?
2. Нима изоҳ қилинаяпти?
3. Ахборот етказиш қандай амалга ошмоқда?
4. Ахборот кимга қаратилган?
5. Қандай мазмунга эга?

Ахборот 3 та турда бўлиши мумкин.

1) очиқ ахборот; 2) ёпиқ; 3) узоқлашган ахборот уларни ҳар бири ўзларининг рамзий маъносига эга бўлиши мумкин. (жеспи, мимика,

пантомимика кабилар). Лекин уларни ҳар ким ўз рухиятига қараб турлича тузилиши мумкин. Яъни бошни ҳаракатга келтириш баъзи бир одамларда тўғри деб қабул қилинса, баъзи булар нотўғри деб қабул қиладир.


Муносабатга ёрдамчи манба сифатида овоз темфи (оқали), пауза (тўхтаи), йўналиши, йиғлаш, кулги кабилар ҳам киради. Муносабатда яна бир вазият яъни вазият яъни бир-бирларига тўғри юзма-юз боқиш, ёкми ярим доира айланма орқали боқиш; ёки энса билан қараш кабилар ҳам ўзига хос аҳамиятига эга.

Муносабатлар кўз контактини (учрашуви) қўл сезгиларини бир-бирларига тегишли орқали ҳам пайдо бўлиши мумкин улар ёндамида вазифасига эга бўлган муносабат манбаси ҳисобланади.

Ҳамма рамзий белгилар муносабатни мазмунини очиб беришга ёрдам беради. (Рамзий белгиларни 20000 минг тури аниқланган), булар ҳаммаси муносабат манбаи бўлиши мумкин. Лекин муносабатни асосий муносабат иштирокчилари ташкил қилади, улар 2 та қарама-қарши турга бўлинади, яъни нооперация ва конкуренция ёки матбуот, ҳунармандчилик, тайёр нарсаларни ҳазм қилувчи ёки нооперация (гуруҳлар) ва бир-бирига канкрент (қарама-қарши гуруҳлар) ва уларни ҳаммаси ҳам тўла ташкил қилинмаган котломерант гуруҳидан билинади.

Муносабат иштирокчилари бир-бирларини тушунган ҳолда стратегия (режа) ва (муваффақият) амалга ошади. Муносабат аста-секин мулоқотга айланади ва бир-бирларини тушуна бошлайдилар. Бошқа кишини тушуниш ҳар кимни ўзини тушуниш ёки онги билан боғлиқ. Бу жараён икки йўл билан: ўзини шу кишини ўрнига қўя билиши ва уни ўзи мулоқотдаги киши томонидан қандай қабул қилинаётганлигини англаш билан амалга ошади. Бу жараёнда бошқа киши ҳақида қабул қилинаётган ахборотлардан янги ахборот асосий мазмунга эга. Лекин баъзи бир умумлаштирилган ахборот манбалари баъзан тўғри қилмайди. Масалан,

ҳамма ўқитувчилар насихатгўй ёки ҳамма бухгалтерлар писмиқ ёки (ҳамма) бошқага хулоса қилишлар нотўғри бўлиш мумкин. Бу вазият оила билан жараён ҳисобланади.



Ўсмир учун катта учта объект энг муҳими саналади. Ота-она, гуруҳ мураббийси ва тенгқурлари. Унинг етакчи фаолиятига ҳам тенгқурлари билан бўлиб ўтказадиган муомала ва муносабатга боғлиқдир.

Оммавий ходимлар, ўсмир шахсига қандай таъсир кўрсатади, турли ходиса ва воқеаларни қандай шарҳлайди, фаолиятдаги стереотиплар унда қай тусда намаён бўлади каби ҳаракатлар ўсмирдаги ўзига хос бўлган ҳамкорликни психологиясини юзага келтиради.

Ўсмирнинг ижтимоий-педагогик фаолиятининг негизини муомала ташкил қилади ва шу сабабли унинг ижтимоийлашуви жараёнидаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланади. Оммавий психология жараёнлар унинг турли ижтимоий фаолиятларида қай йўсинда мулоқот, муносабат ва фаолият ўрнатишга туртки бўлади.

Ижтимоий муносабатларни турли шакллари уни ўзгарувчанликги, мослашувлиги, барқарор хусусиятлар мажмуини бажаришига ундовчи жараён хисобланади.

Ўсмирнинг ижтимоий-педагогик фаолиятини шакллантиришда ўзига хослиги.

Оиланинг барча авлодлари ўзаро ахборот узатиш ва ахборот алмашиши оиладаги мулоқотнинг кўпинча оилавий ўзаро боғланишлари келтириб чиқаришига боғлиқ бўлган жараёнларни ҳам содир бўлишини олиб келади: булар эса ўсмир олдида 3-та бир-бирига боғлиқ бўлган жиҳатларни амалга оширишга ундайди.

1) кўникма ва малакалар таъминлаштирилади

2) Янги маълумотларни олишга тайёрланилади.

3) Оилавий ҳаёт турмуш ҳақида ахборот алмашинидади

Гуруҳлар социал психологияси.

Гурух деб аниқ ташкил қилинган, умумий кўринишга эга бўлган кишилар йиғиндиси. Гурухда ҳар бир киши ўзини шу гурухга беркитилганини сезади. Чунки уларни қизиқиш, истак, ҳаётий қоида ва нормалари, фикрлари бор мақсадга қаратилган. Асосий томойил “биз” деган тушунчадан бошланади. Гурух жараёнлари (ўлчови) бу кишилар ёши, касби ва ижтимоий характеристикаси (таснифи) гурух тузими, бир-бирига муносабати, гурухий фаолияти, гурух жараёни, гурух нормалари, гурухни ташкил қилинганлиги, лидерларни (фаолларини) сайланиши, гурухий қарор қабул қилиниши ва ривожланиши жараёни, гурух мақсади, ҳал қилиниши, модели, қоида ва ман қилиниши ҳамда рағбатлантириш киради.

Гурухлар классификацияси: катта, кичик, микро (жуда майда) гурухлар икки, уч кишидан иборат. Ижтимоий статус бўйича улар фармон (яъни маълум бир буйруққа асосан тўлган) нормал ўз-ўзидан ташкил топган гурухларга ажратилади.

Катта гурухлар ижтимоий белгилар маданий ва маънавий мулохазалар асосида пайдо бўлади. Кишиларни катта гурухларга қараши 2 та кўринишдан иборат:

1. Тасодифий йиғилувчи қисқа муддатли тўдалар.
2. Маълум бир мақсад асосида ижтимоий тарихий даврда пайдо бўлган гурухлар, улар узок муддатли бўлган синф, миллат, касбий гурухлар киради.

Катта гурухларда ижтимоий ҳатти-ҳаракатларни бошқарувчи манба мавжуд. Яъни ўзларининг урф-одатлари, анъаналари мавжуд. Бу гурух кишиларининг муносабати ўзларига хос характерга эга бўлиб, ўзларига хос умумий тил манбаси ҳам мавжуд, тил фаолиятида маълум жараён (фақат ўзлари тушунадиган) манба ҳам мавжуд булар касбий тушунчалардир. Этник гурухлар маълум миллатга хос бўлган гурухлардир, булар ҳам катта гурухларга кириб ўзларининг анъаналари, урф-одатлари, тили, кийиниши билан ажралиб турадилар. Бу гурухлар асосида халқлар

психологиясини ўрганиш мумкин, уни ўрганадиган фан этнопсихология деб аталади.

Кичик гурухлар деганда кам сонли (ўртача 7 кишидан) фаолият асосида, бир-бирлари билан мулоқотда бўлган кишилар йиғиндиси тушунилади. Гурухлар шаклланиши 3 та киши мавжудлигидан бошланади, чунки 3-чи киши икки киши ўртасида бўлаётган тушунмовчиликни, тортишувни ҳал қила олади. Жамиятимиз ўз ифодасини: 1) бошланғич; 2) иккинчи даражали; 3) фармон ва қарормал; 4) аъзолик (ўсмирлар ташкилоти аъзолари ; 5) референт (маълум бошқарувга эга гурухлар мавжуд).

3.2.§-Ўсмир ёшдаги болаларни ижтимоийлашувида шахслараро муносабатлар ўрни.

Ўсмир ёшида олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолиятни асосини нинг гуруҳжаги мавқе, гуруҳий муносабатлари ва шахс сифатида шаклланишнинг давомийлигини таъминлаб берувчи қуйидаги омиллар мақсадга мувофиқ тарзда кетма-кетликда ўз таъсирини намоён қилиш механизми мавжуд:

- 1-омил: ўсмирларнинг жамоада ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёнида шаклланиш;
- 2-омил: фаолият жараёнида ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикир эътиқодлар, ғоялар, ҳис-туйғуларни тўлақонли тарзда этилишига ёрдам бериш жараёнида шаклланиши;
- 3-омил: ҳиссий кечинмалар турли ҳулқ – атворни ва уни шаклларида ўзига хосликларни шакллантириш жараёнига боғлиқдир.

Ўсмирлар томонидан ижтимоийлашувнинг яъни жамиятда ўз ўрни, ижтимоий нормаларга риоя қилишлиги, ўзи ва ўзига ўхшаш шахслар билан мураккаб ўзаро муносабатларни шаклланишида таъсир қилиувчи

турли ходисаларни психологик табиатини ва қонуниятларини тушуниб етиш, муносабатини мураккаб психологик механизми ва қонуниятларини ўзида ифодалаш кўникмасига эга бўлишликни шакллантириш лозим.

Ижтимоий-педагогик жараён ўсмир учун бу бошқарув, психологик тизимга эга бўлган кетма-кетликдан иборат жараён бўлганлиги сабабли, ўсмирнинг маънавий, руҳий ва инсоний муносабатларни қабул қилиш ва моҳиятини онглаши учун кўпгина ҳолларда қўлланиладиган социометрия методи қўл келади. Социометрия усули гуруҳдаги шахслараро муносабатларни аниқловчи энг самарали усуллардан биридир.

Социометрия бир қатор саволларга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Бу усулни амалга ошириш давомида текширувчига нисбатан бир қатор талаблар борки, бу талабларга текширувчи қатъий риоя қилиши лозим.

1. Аввало берилган жавоблар қатъий сир сақланишини текширувчилар билиши зарур.

2. Жавоб бериш чоғида ҳар бир текширилувчининг мустақил ҳамда эркин бўлишига шароит яратиш лозим.

3. Текшириш давомида текширувчи ўзини очиқ юз билан қувноқ ҳолда тутиши керак.

Демак социометрия методида одатда 3 тадан 5 тагача савол бўлиши мумкин.

Психологияда социометрия методи турли гуруҳларда жамоаларда шахслараро муносабатлар хусусиятларини ўрганишнинг кенг қўлланиладиган, энг самарали воситалардан бири ҳисобланади. Социометрия маълумотлари таҳлили шахснинг гуруҳда тутган ўрни, унда шахслараро муносабатларнинг хусусиятлари, гуруҳ лидери (гуруҳнинг тан олинган сардори), гуруҳ юлдузлари, гуруҳ аъзоларининг эгаллаган мавқеи, гуруҳда яққаланиб қолган (изоляцияга тушиб қолган) аъзо, гуруҳдаги кичик гуруҳчалар уларнинг таркиби, ўзаро муносабатлари, ундаги

психологик муҳит ва шу бир каби қатор маълумотларни аниқлаш имконини беради.

Социометрик тадқиқотни ўтказишда, аввало шахслараро муносабатларнинг у ёки бу жихатини баҳоловчи муҳим мезонни танлаб олиш лозим. Бунинг учун маълум бир реал вазиятга тааллуқли бўлган саволлар тизими тузиб чиқилади. Бу саволлар социометрик мезон сифатида хизмат қилади. Синалувчилар шу берилган саволларга биноан ўзи аъзо бўлган гуруҳдан ўзига шерик танлаш билан жавоб бериши керак. Социометрик мезон тадқиқий мақсадига мос тушгандагина шахслараро муносабатларнинг маълум бир жихатига қаратилади, холос. Социометрик мезонлар шартли равишда қуйидаги таркиблардан иборат бўлиши мумкин:

1. **Роли:** "Сиз агар гуруҳ сардори бўлсангиз, Бирон бир жиддий топшириқни бажариш учун ажратилган гуруҳ; таркибига ўз курсдошларингиздан кимни киритган бўлар эдингиз? "

2. **Функцияли (Функционал):** "Сизнинг фикрингизча, курсдошларингиздан Ким гуруҳ бошлиғи, етакчи бўла олишга лойиқ деб ҳисоблайсиз? "

3. **Амалий:** "Агар гуруҳ тарқатиб юборилгудек бўлса, унда сиз Янги гуруҳга шу курсдошларингиздан (шу ерда иштирок этаётганларидан) ким билан бирга тушишни хоҳлар эдингиз?". "Сиз навбатчиликни Ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз? "

4. **Эмоционал:** "Ўзингиз учун оғир дамларда шу синфдан кимга ёрдам учун мурожаат қилган ўулар эдингиз?". "Туғилган кунингизга курсдошларингиздан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?". "Ўз сингизни курсдошларингиздан қайси бирига айтишни лозим топасиз? "

5. **Коммуникантв:** "Ўз таътилингизни курсдошларингиздан ким билан бирга ўтказишни хоҳлайсиз? ", "Ўқишни тугатганингиздан кейин ўз курсдошларингизни қайси бири Билан бирга, бир жойда ишлашни хоҳлайсиз? " ва хоказо.

Социометрик меъзонларни танлашда, саволларни тузишда конкрет вазиятлар ва гуруҳи синалувчиларининг хусусиятлари, уларнинг фаолияти хислатлари ва шу кабилар назарда тутилиши жоиз.

Социометрик тадқиқотларни олиб бориш тартиби

Синалувчининг социометрик қарточкани тўлдириш қарори унинг (1-шакл) ихтиёрий, шахсий ишидир. Баъзи бир талабалр тадқиқотда иштирок этишдан бош тортиишари мумкин. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун олдиндан "социометрик разминка" қилиш, тадқиқот вазифаларини қисқа ва тушунарли тарзда баён этиш, унинг муҳим эканлигини уларга тушунтириб бериш ва энг муҳими, улар ишончини қозониш, жавоблари бошқалардан сир сақланишининг таъминланишига кафолат бериш, бунга итирокчиларни ишонтира билиш керак.

Лекин тадқиқот натижалари синалувчиларга айтилмайди. Шунини эсда тутиш лозимки, гуруҳдаги норасмий алоқалар тизимини ҳаммага айтиш гуруҳ таркибида кутилмаган, нохуш ҳодисаларга олиб келиши, муносабатларда, ўзаро мулоқатда низоларни келтириб чиқариши мумкин. Хар бир иштирокчи социометрик қарточкаларни алоҳида тўлдириш учун алоҳида берилиши керак. Ҳеч қандай айтиб беришга ва қарточкаларни ўзи билан олиб кетишга йўл қўймаслик лозим. Энг муҳим кўрсаткич гуруҳнинг барча аъзоларини тадқиқотга жалб эта олишдир.

Тўлдирилган қарточкалар кейинчалик миқдор жихатидан, жадвалли, амалий графикли қайта ишланади.

Тадқиқотчи бутун гуруҳ аъзолари учун социометрик қарточкани олдиндан тайёрлаб қўйиши мақсадга мувофиц. Бунда қарточканинг юқори қисмининг ўнг томонига таркибида иштирок этаётган синалувчининг (шу қарточка эгасининг) исми-шарифи ёзиб қўйилади, чап томонидан эса 1,2 ва 3 рақамлари устун шаклида ёзиб қўйилади ва уларнинг ёнидан фамилиялар ёзиш учун жой қолдирилади. Бу жойга синалувчи, яъни шу қарточканинг

эгаси узи танланган (шу гурухда иштирок этаётган гурух аъзосининг) фамилиясини ёзади.

Социометрик тадқиқот ўтказишнинг Бирон бир мезони танлаб олинганидан сўнг, масалан эмоционал мезон бўйича: "Ўз сингизни курсдошларингиздан кимга айтган бўлар эдингиз?" ёки Амалий мезон бўйича: "Агар гурухда ҳар ким ўзи хоҳлаган одам билан бирга (бир партада) ўтиришнинг ихтиёри берилса, унда сиз ким билан бирга ўтиришни хоҳлар эдингиз?" каби савол билан уларга мурожаат қилинади. Бу саволни олдиндан кўринадиган бирон-бир жойга (доскага, плакатга ва ш.к.) ёзиб қўйиш мумкин. Социометрик тадқиқот самарадорлигини ошириш учун уни гурухнинг барча аъзолари иштирок этаётган вақтда ва улар ўзаро бир-бирларини етарлича билиб улгурмасдан сўнг ўтказиш лозим, шунингдек, тадқиқотчи ҳам синалувчиларга таниш, ишончли одам ("уз одами") бўлиши мақсадга мувофиқ. (Психолог ёки бошқа Бирон-бир шу гурухга яқинлиги бўлган одам бўлгани маъқул).

1-шакл

Абдуллаева Э.	
1.	_____
2.	_____
3.	_____

Синалувчилар эътиборини берилган саволга (топширикка) қаратиб, тажриба қоидасига биноан улардан, ўзларига шерик танлаши талаб қилинади. Масалан, "Туғилган кунингга курсдошларингиздан кимни таклиф қилган бўлар эдингиз?" -деган саволлар берилса, талабалар 1-шаклда (яъни, уларнинг ҳар бирига тарқатилган социометрик карточкадаги) 1 рақамнинг тўғрисиغا ўз курсидаги шерикларидан, биринчи навбатда, кимни танласа, шу ўқувчининг фамилиясини ёзади. Ҳамма биринчи фамилияни ёзиб бўлганидан сўнг, уларга яна "Мабодо шу танланган шерикнинг билан бирга ўтириш имкони бўлмаса унда иккинчи навбатда кимни танлаган

[illegible]

10.	Собиров И.							+			О				+	
11.	Толипов Ш.						+			О					О	
12.	Хамидов Ш	+					+				+					
13.	Юлдашев Р.	О					О				+					
14.	Яминов О.				О		О		+							
15.	Ўктамов А.						+	О			О					
Танлаш сони		4	4	3	1	1	2	6	4	2	1	7	0	3	2	5
Ўзаро танлашлар сони		3	1	1	1	0	2	2	2	1	1	2	0	2	2	2

Шундан сўнг социометрик карточка бўйича синалувчи кимларни танланган бўлса, карточкалар бўйича уни шу карточка эгасининг фамилияси ёзилган каторга у танлаган гуруҳ аъзосининг рўйхат тартиб рақами акс эттирилган устун остига "+" белгиси қўйиб чиқилади. Хамма социометрик карточкалар бўйича танлашлар матрицага белгилаб бўлинганидан кейин ҳар бир устунда "+" лар йиғиндиси ҳисоблаб чиқилиб, жадвал пастки қисмининг "Танлашлар сони"-деб кўрсатилган қаторига ёзиб қўйилади.

Ўзаро танлашлар эса синалувчилар бир-бирларини танлаш билан белгиланади. Матрицада ўзаро танлашларни кўрсатувчи "+" белгилари доира ичига олиб қўйилади "в>". Устунлар бўйича доира ичига олинган "Ф" лар миқдори матрицадаги (энг пастки катордаги) "Ўзаро танлашлар сони" - деб ёзилган каторга ёзилади.

Бу ўринда 12-рақамли аъзо (Хамидов Ш.) гуруҳда изоляцияга тушиб қолган. Энг кўп танланган 11-рақамли аъзо (Толипов Ш.) гуруҳнинг тан олинган лидер бўлиб уисобланади, ундан кейинги 5 ва 6 марта танланган 7-рақамли (Махмудов И.) ва 15-рақамли (Ўктамов А.) аъзолар эса гуруҳ юлдузлари сифатида тан олинган. Социограмма кўрсаткичларига асосланган ҳолда Толипов гуруҳга расмий лидер этиб тайинлаш ва И.Махмудов ва А.Уктамовларни гуруҳда Бирон бир жамоатчилик функциясини бажаришга тайинлаш ўрганилаётган гуруҳда шахслараро муносабатлар барқарорлашувини таъминловчи.хал қилувчи омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Гурухдаги ўзаро ҳамкорлик коэффиценти қуйидаги формула билан топилади.

Бу ерда Σ_x ўзаро танланганларнинг умумий сони

Гурухдаги коммуникативлик коэффиценти эса

Формула билан топилади;

Бу ерда N_k - микрогурухга кирган кишилар сони.

Гурухдаги умумий психологик мухит эса

$K_{umm} =$ формула-орқали топилади.

Бундан ташқари гурухдаги яширин лидер иккинчи саволга ёзилган жавобларни оддий математик ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Ким энг кўп овоз олган бўлса, ўша шахс гурухнинг яширин лидери ҳисобланади. Гурухдаги ҳар бир кишининг мавкеи (статуси) 3 та саволга асосланган ҳолда қуйидаги формула орқали топилади;

бу ерда Σ_m гурухдаги ҳар бир кишининг умумий олган баҳолар йиғиндиси, шундай қилиб олинган натижалар қуйидагича хулоса чиқаришга имкон беради;

1. бир-бирини танлаш гурухда қанчалик кўп булса, гурух шунчалик уюшган ва ўзаро ҳамкор.

2. гурухдаги мавке шахснинг шаклланишига ката таъсир кўрсатишини ҳисобга олиниши, бу кўрсаткич 0.55 дан юқори бўлса, бундай шахсларга индивидуал ёндашишга, уларнинг бундай мавке эгаллашларига сабаб

бўлувчи омилларни аниқлаб кўрсатиш зарур. Энг мухими, бунда энг мухими психологик такид доирасидан четга чиқмаслик лозим.

3. гуруҳдаги коммуникативлик, яъни ўзаро мулоқот коэффиценти 1 га канчалик яқинлашса, бу шунчалик барсарорликдан дарак беради. Агар бу кўрсаткич 0,2 дан паст бўлса, албатта бунга сабабчи бўлган омилларни қидириб топиш зарур.

4. психологик мухитни кўрсатувчи кўрсаткич 0,65 дан юқори бўлса, демак гуруҳда ижобий психологик мухит мавжуд. Бунинг натижасида гуруҳда ўзаро хурмат ҳукм сўради.. Улар гуруҳ олдидаги жавобгаэканликларини хис қиладилар

3.3-§. Ўсмирларда касб танлашга муносабат мотивлари намоён бўлишини ўзига хос ижтимоий-педагогик ва психологик хусусиятлари.

Тадқиқотда 10 та йўналишдаги мотив танланади. Хар бир йўналишга кирувчи мотив мазмуни муносабат мотивациясининг «фаол-ижобий», «ижобий», «индефферент» мезонларига мос равишда ифодаланди. (диаграмма №1).

Биринчи йўналиш бўйича олинган маълумотларда «касб танлаш, касбий тасаввур ва касбий ўзликни англашнинг ўзаро мутаносиблиги» деб аталувчи фаол-ижобий муносабат курсаткичлари шкаласи 5-синф респондентлари орасида (n=1000) 19,8 % ни ташкил этиши мазкур муносабат тизими ва мотиви устиворлигини курсатади.

Катта усмирлик даврига келиб, мазкур йуналишдаги узгаришлар яккол сезилади.

9 – синф орасида (n=1000) мазкур мотивация йуналишидаги фаол ижобий муносабат кулами 40 % ни ташкил қилади. Фаол – ижобий муносабати мотивацияси усмирлик даврида 19,8 % дан 40 % гача усиб бориши кузатилади.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 5 – синф ўқувчиларининг 40 фоизи ижобий муносабат мотивацияси яъни касб танлаш хақидаги адекват тасаввурларнинг мавжудлиги кўзга ташланади. 9 – синфда уларнинг 30 фоизи ижобий муносабатни эгаллаган.

Микдорларнинг кўрсатишича, 5 – синфни 40,2 фоизи касб танлашга нисбатан индеффиерент муносабат мотивацияси характерли эканлигини кураимиз. 9 – синфда эса индеффиерент муносабати 30 фоизни ташкил этади. Индеффиерент муносабат мотивацияси 40,2 фоиздан 30 фоизга камайиб бориши юзага келади.

Бу эса ўсмирлик ёши улгайган сари мазкур йўналишдаги мотивация кўрсаткичларининг камайиб бориши тенденцияси характерли эканлигидан далолат беради.

Кўлга киритилган эмпирик маълумотларни тахлили килганимизда куйидаги ҳолатлар яққол кузга ташланди. Жумладан, биринчи гуруҳ фаол ижобий муносабат мотивацияси такдим этилган 10 йўналиш мотивацияси бўйича 5 – синф ўқувчилари уртасида 5 –урини, 9 – синф ўқувчиларида эса 3 – уринни эгаллади. Ижобий кўрсаткич муносабат мотивацияси кўлами эса 5 – синф ўқувчилари орасида 8 – ўринда, 9 – синф эса 9 – ўринда туради. Индеффиерент муносабат ифода этилган мазкур гуруҳ мотивацияси эса 5 – синф ўқувчилари орасида 5 – уринни эгаллаб келаётганлиги билан тавсифланади. Улар ҳулк – атворида, фаоллигида бирлиги гуруҳ мотивацияси бўйича касб танлаш ва касбий узликни англашнинг узаро мутаносиблиги, у ҳақдаги адекват тасаввурларнинг етарли эмаслиги билан ўзига хос хусусиятга эга эканлигини кўрсатмоқда.

3 – жадвал.

**Қизиқишлар асосида шаклланган касб-танлашга муносабат тизими намён
этилишининг уртача-умумий, Қиёсий -типик кўрсаткичлари
(% ҳисобида)**

№	Касбий йуналишлар	5-синф n=1000			9- синф n=1000			χ^2	χ^2	χ^2
		А	Б	В	А	Б	В	А	Б	В
1.	Биология	30	20	50	40	30	30	0,128	0,222	0,444
2.	География	10	50	40	28	32	40	1,129	0,343	0
3.	Геология	8	42	50	13	43	44	0,269	0,001	0,331
4.	Тиббиёт	35	50	15	40	47	43	0,029	0,007	0,024
5.	Озиқ-овқат ва енгил саноат	25	45	30	30	45	25	0,046	0	0,046
6.	Физика	20	56	24	40	40	20	0,714	0,02	0,043
7.	Химия	22	39	39	39	32	29	0,485	0,011	0,134
8.	Техника	30	40	30	30	55	15	0	0,195	0,145
9.	Электротехника	23	42	35	28	47	25	0,052	0,023	0,163
10.	Металга ишлов бериш	25	45	30	30	50	20	0,046	0,021	0,222
11.	Дурадгорлик санъати	15	45	40	14	56	30	0,006	0,097	0,128
12.	Қурилиш	20	30	50	24	46	30	0,043	0,299	0,444
13.	Транспорт	28	42	30	38	47	15	0,140	0,023	0,645
14.	Авиация, дарё, денгиз транспорти	18	32	50	20	40	40	0,014	0,078	0,091
15.	Харбий мутахас.	17	44	39	23	48	29	0,115	0,014	0,134
16.	Тарих	36	34	30	43	34	23	0,052	0	0,097
17.	Адабиёт	39	36	25	59	26	15	0,341	0,155	0,333
18.	Журналистика	30	40	30	40	40	20	0,128	0	0,222
19.	Ижтимоий фаолият	30	25	45	40	35	25	0,128	0,168	0,547
20.	Педагогика	40	30	30	44	36	20	0,016	0,050	0,222
21.	ХуҚуҚ юристпруд	50	21	29	56	25	19	0,027	0,040	0,239
22.	Савдо ва хизмат	50	30	20	54	21	25	0,12	0,173	0,065
23.	Математика	38	31	30	42	23	35	0,017	0,152	0,035
24.	Иктисод	50	21	29	54	26	20	0,012	0,060	0,185
25.	Чет тиллар	40	30	30	50	25	25	0,091	0,046	0,046
26.	Тасвирий санъат	35	41	24	34	38	28	0,002	0,010	0,032
27.	Сахна санъати	30	40	30	29	46	25	0,002	0,034	0,046
28.	Муסיқа	30	30	40	35	30	35	0,128	0,035	0,026
29.	Физкультура ва спорт	40	51	9	44	37	19	0,002	0	0,082
	Уртача умумий	9,4	37,3	32,8	36,6	37,9	25,8	0,002	0	0,082
	Мин	8	21	9	13	25	15			
	Мах	50	51	50	59	55	44			
А	$\chi^2=11,7232$ $P < 0,001$									
Б	$\chi^2=0,076718$ $P > 0,05$									
В	$\chi^2=11,82712$ $P < 0,01$									

3.4. § Тажриба –синов натижалари.

Урганч шаҳридаги № 14 мактабни 8-9 синфлари, Хамид Олимжон номли мактабни 8-9 синфлари иштирокида П.М. Хумон методи асосида тажриба ўтказилди ва уни математик-статистик таҳлил қилишди.

Тажриба – синов ишларини 4 та варианты умумлаштирилди ва куйидаги жадвал тўлғазилди.

Айнан Хонқа туманидаги мактаб Урганч шаҳридаги мактаб ўқувчиларида 35-нафар ўз хулқларидаги муаммоларни келиб чиқиши.

Вояга етмаган ёшлар, девиант хулқ-атворга эга бўлганларнинг шахс типологияси.

Муаммоси ёшларни девиант хулқ-атворни ташхислашда асосан уларнинг характерлари таҳлил қилинади. 35 нафар хулқи-оғишганликка мойил бўлган болаларнинг ижтимоий-психологик типологияси аниқланди.

Айзен тести бўйича ёшларда муаммолилиқ ва девиантлилиқни куйидаги параметрлар орқали аниқлаш мумкин.


Айнан ушбу шахсларда, шахс хусусиятларидан:

- кучли руҳий ҳаяжонланиш;
- импульсивлилиқ;
- Ўз эҳтиёжини қондиришлилиқ;
- Ўзига ортиқ даражада ишонч;
- Совуққонлилиқ;
- Ғаразғўйлиқ;

Муаммоли ёшларнинг характеридаги акцентуацияси даражалари ўзига хос равишда хулқнинг ифодаланиши масаласига эътибор қаратилди. Бунга кўра ўзгарувчанлилиқ ва енгил характерлилиқ, гепиртимлилиқ, циклотомикли ва шунга ўхшаш акцентация хусусияларида девиант хулқлилиқнинг юқори даражаси кузатилади.

Ўтказилган тажриба	Тажриба синфи	Назарий синфи	Самарадорлик
Баҳо қиймат	1 2 3 4 5	1 2 3 4 5	
4-тажриба	0 7 33 98 62	0 20 84 76 21	1,24
3-тажриба	0 414 43 39	0 12 48 32 7	1,28
2-тажриба	0 214 32 52	1 12 37 38 12	1 , 23
1-тажриба	011 29 41 22	9 15 37 38 15	1,06

7-9 синфлар ўқийдиган болаларнинг саводхонлиги ошириш модели



Ота-оналарни кўпчилиги айнан боланинг камчиликлари бўйича маълумотларни яширишга ҳаракат қилишади. Чунки ҳар бир ота-она ўз

фарзандини эҳтиёжлари ва тарбия услубларидан хабардор эмаслар. Шу сабабли бир қанча қийинчиликларни бошидан кечиирадилар.

Кўпчилик ҳолларда ички андиша кучлилиги оқибатида турли эга бўлган болалар қаровсиз қолиб кетишади. Ота-оналар уларга ўзига хос тарзда ёрдам берадилар.

Ўтказилган сўровнома натижаларига эътиборни жалб қиламиз: асосан ота-онанинг болага муносабати ўрганилди:

Ижтимоий педагогик фаолиятни: ота-оналар томонидан ташкил қилиниши, ўсмирлик давридаги парадоксаллик, амбивалентлилик ҳолатини изохлаб, уларнинг фаолиятида ўта фоллик ҳукмронлик қилишига ҳамда альтруистик жихатлари кескин пессимистик жихатларга ўтиб кетиши ва ўзига хос бўлган аутсайдерликни намоён қилиши ҳам бир қанча омиллар таъсирида қолиши ҳам, унинг ижтимоий-педагогик фаолиятига катта таъсир ўтказади.

Ижтимоий – педагогик фаолияти турлича бўлган болаларга муносабат кўрсаткичи

Худудлар	Фарзанд билан муносабати яхши	Катта талабалар қўяди	Она ўзини айбдор ҳисоблайди
Урганч шаҳар	5	6	8
Урганч туман	3	3	7
Хонка туман	4	5	8

Таҳлилар бўйича, катта кўрсаткич онанинг ўзини айбдор ҳис қилиши, шу сабабли турли эҳтиёжларга эга бўлган болалар мутахассисга кўрсатилмайди ва мактабларга жалб қилишмайди


Туман	Болалар сони		Оилада нечта фарзанд			Эр-хотин муносабати	
	ўғил	қиз	1-	2-	3-	Қариндош	қариндош

							эмас
Урганч ш	81,6	18,4	32,2	44,8	16,7	20,4	79,6
Урганч т	72,8	27,2	21,7	46,4	18,3	38,8	61,2
Хонка т	62,8	37,2	23,7	42,7	17	42,4	57,6

Сўровнома таҳлили шуни кўрсатадики, оила кўпроқ иккинчи фарзанд турли ижтимоий-педагогик фаолиятига катта эътибор қаратилади, биринчи фарзанд ролли кутишларни амалга оширганлиги сабабли, ижтимоий фаол бўлишга ҳаракат қилади. Кўпгина ҳолатларда 3-чи фарзанд ҳам айнан шу каби жараёни босиб ўтади ва ўз ҳаётий позициялари ва установакалари билан ижтимоийлашишга ҳаракат қилади.

7-9 синфларда таҳсил олувчи болаларни ота-оналари ҳақида таҳлил

Худуд	Ота-она	Ёши		Маълумоти		Мурожат қилган мутахассис			Ҳаётга мослашиши		Ижтимоийлашиш	
		16-30	30-40	олий	ўрта	врач		психолог	ха	йўқ	яхши	ёмон
Урганч ш	19	9	10	7	12	-	19	2	2	17	2	17
Урганч т	13	3	10	4	7	2	11	5	5	8	5	8
Хокна т	17	7	10	8	9	3	15	3	4	13	4	13



Педагог
Тарбиячи

Ота-она

**Танланган мавзу бўйича тадқиқот натижаларига асосланиб қуйидаги
хулосаларни келтирамиз:**

Кейинги йилларда ўсмир шахсини шакллантиришга қаратилган ижтимоий педагогик фаолиятнинг ўзига хос бўлган янги қирралари ижтимоий ҳаёида ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, мавзу бўйича жахон психологияси ва педагогикасида олим, тадқиқотчилар томонидан амалга оширилган илмий изланишлар айнан ўсмир ёшида ижтимоийлашув жараёни иерархик характерга эга бўлиб, ўсмирнинг физиологик, психологик, маънавий, ахлоқий, жисмоний хусусиятлари намоён қилишига замин ҳозирловчи омил эканлиги олиб борган тадқиқотимиз натижаларида ўз ифодасини топди. Тадқиқотлар бўйича олинган маълумотлар натижаси математик-статистик таҳлил қилинди ва маълум бир хулосаларга келинди. Албатта, амалга оширилган ушбу йўналишдаги ишлар кенг маънода ижтимоий-педагогик фаолиятни ташкил қилишда ўсмир шахсининг касбга йўналтириш ва онгли равишда ҳаётий позицияларини белгилаш, ички ва ташқи олимлар сабабли ўзлигини англаш ва жамиятда шахс сифатида камол топиши учун кўпгина воқеликларни англаб олиш имкониятлари яратилиши сабабли, ўсмирнинг ижтимоий-педагогик фаолияти амалга ошириш механизмлари юзага келиши исботланди.

Ўсмирларни ҳаётга йўналтиришда ташқи ва ички таъсирларнинг ўзаро мутаносиблиги мотивациясининг махсули ҳисобланмиш ўзликни англаш келтириб чиқаради. Ўзликни англаш эса шу жараённинг таркибий қисми сифатида мақсадга йўналтирувчи, кучайтирувчи, коррекция қилувчи

яъни унинг ижтимоий йўналиши, хусусиятларини белгилаб берувчи омил тариқасида ҳам функция бажаради.

Ижтимоий-педагогик фаолиятига муносабат мотивациясини ўрганиш айнан ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг келажакдаги ҳаёт тўғрисидаги тасаввур ва жараёни тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини яратади. Ўсмирнинг ўз фаолиятини ташкил қилиши ва педагогик жараён сифатида амалга ошириши ва унга бўлган муносабат тизими тушунчасини ижтимоий-психологик мезонлар бўйича тадқиқот олиб борган олимлар, психологлар, социологлар, психофизиологлар, педагоглар муносабат категориясининг у ёки бу йўналишини илмий жихатдан асослаб берадилар.

1. Ижтимоий педагогика ва психологияда илмий назарий ва методологик адабиётларнинг муҳим объекти бўлмиш ўсмирларда ўз фаолияти ташкил қилиш ва унга муносабат тизими шакллантиришни амалга ошириш ҳамда бу иерархик тизимни шахснинг ижтимоий – психологик тараққиёти деб қабул қилиш ижтимоий фаол – ижобий муносабат кўламини ҳар жихатдан самарали шакллантиришни тақозо этади.
2. Тадқиқотимиз натижаси ўсмир ёшидаги ижтимоий-педагогик фаолиятни изчил ва кетма-кетликда олиб бориш, ўқувчиларнинг касб ташлашга муносабати тизимини, ота-она, педагог, тарбиячи, тенгқурлари билан олиб бориладиган фаолиятнинг режали ва тизимли амалга оширилишини таъминлайди.
3. Ўсмирнинг ижтимоий-педагогик фаолиятини тўғри ташкил қилиш, педагогик хусусиятларини, ўсмир шахсини ўзига ижтимоий тараққиёти тамойилларига хизмат қилувчи қизиқишлар, умумий йўналганлик, касбий установка ва кадриятлар тизими билан бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатди.
4. Ўсмир ёшидаги ўқувчилар томонидан касб танлашга фаол – ижобий

- муносабатларнинг етарлича қарор топмаганлигини кўрсатади, шу оқибатида касбий манфаатларга дахлдор зиддиятларга дуч келинадики, бу ҳолат мазкур муаммога алоҳида ижтимоий зарурат сифатида қарашни тақозо этади.
5. Ижтимоий зарурат сифатида ўрганилган ижтимоий-педагогик фаолиятга муносабат мотивациясини шакллантириш унинг ижтимоий ва ижобий муносабатларини етарлича қарор топтиришига кенг имкониятлар яратади. Улар респондентларнинг ижтимоий – психологик фаолияти ва фаоллигининг намоён бўлиши билан боғлиқ.
 6. Тадқиқотда шу нарса аён бўлдики, таълим тизимида ўсмирларнинг ижтимоийлашуви ва фаоллашувини ўз муносабати билан боғлиқ фаолиятини муваффақиятли ташкил этишни таъминлашга йўналтирилган муносабат мотивациясини баҳолаш уларнинг касбий ўзликни англаши ва унинг ижтимоий моҳиятини тўғри тушуниш асосида ётадиган тасаввурларни шакллантиришни талаб этади.
 7. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларда намоён бўлган муносабат мотивация омиллари ва мезонларини ҳар бири ўзига хос кўрсаткич кўлами, динамикаси ҳамда умумий қонуниятларига эга эканлиги касбий ўзликни англаш тизимида ўзаро боғлиқ иерархик занжирни мустаҳкамлашга ва мукаммаллаштиришга хизмат қилиш билан тавсифланади.
 8. Ўтказилган тадқиқотимиз давомида ишлаб чиқилган ва маълум илмий – амалий аниқликлар киритилган касб билан шахс (кичик ва катта ўсмир) мутаносиблигини таъминлашга хизмат қилувчи фаол – ижобий муносабат мотивациясини, шаҳар ва туманларда ижтимоий-педагогик фаолиятни тизим сифатида такомиллаштиришга нисбатан ижтимоий заруратни равшанроқ тасаввур этишга имкон бериш билан бирга, ушбу тизимнинг илмий – амалий самарадорлиги ва

истикболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

9. Тадқиқотда илмий фараз сифатида илгари сурилган мулоҳазалар асосан ўз тасдиқини топди. Айни пайтда ўсмир ёшининг ўзига хослиги, ижтимоий-педагогик фаолиятнинг психологик ва педагогик механизмлари тизимини шаклланиши ўзига хос индивидуал, ёш хусусиятларига эга бўлиб, унинг динамикаси маълум ижтимоий – психологик омиллар асосида белгиланади ва баҳоланади. Бу жараённинг маълум қикиқишлар, умумий йўналганлик, касбий установакалар, кадриятлар асосида қурилиши, шаклланиш ва намоён этилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Тавсиялар.

1. Ўсмир ёшидаги болаларда ижтимоий-педагогик фаолиятни мазмун, моҳиятини тўлиқ шакллантиришга эришиш;
2. Ўсмир ёшини ўзига хос хусусиятларида ижтимоий-педагогик фаолиятни тадбиқ этиш;
3. Ижтимоий-педагогик фаолиятни педагог, тарбиячи, психолог ва бошқа мутахассислар билан ҳамкорликда амалга оширишга эришиш;
4. Ўсмир ёшида олиб бориладиган ижтимоий-педагог фаолиятини самарадорлигини таъминлашда илғор тажрибаларни оммалаштириш тизимини тадбиқ қилиш;
5. Ўқитувчилар, гуруҳ раҳбарлари учун методик қўлланмалар яратиш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни.//
2. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. —Т.: Шарқ, 1997. 100-150 бет.
3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»//
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. —Т.: Ўзбекистон, 2000.150-200 бет.
5. “Академик лицейлар тўғрисидаги Низом”.- Т. Шарқ,1998. 50-100 бет
6. «Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори».Т.:Шарқ, 1997. 80-90 бет
7. Авлиякулов Н.Х.Ўқитишнинг модул тизими ва педагогик технологияни амалий асослари. Бухоро,2000,38-б.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровони ҳаёт-пировард мақсадимиз.
а. 8-т.Т. Ўзбекистон,2000.
9. Каримов И.А.Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили.- Т.Ўзбекистон ,1995.
10. Азизходжаева Н.Н. Научные основы педагогической технологии /Респ.илм.-мет.конф.мат./Т.2000,7-9 б.бесполько В.П.Слагаемы педагогической технологии. М.Педагогика,1989,192-с
- 11.Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т., 2007й
- 12.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.Т.: Халқ мероси нашр., 1993.
- 13.Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан Қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар.
- 14.Адилова Т.М. Бошқарув мулоқоти психологияси. Т.2000 й 11-б.
15. Мавлонова Р. ва бошқ. Педагогика. —Т.: Ўқитувчи, 2001.
16. Педагогика (проф. А.К.Мунавваровнинг умумий таҳрири остида). —Т.: Ўқитувчи, 1996.
17. Подласий И.П. Педагогика И-ИИ т. —М.: Владос, 1999.
18. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. —Т.: Молия, 2003.
19. Усманова М.Н. Педагогическое тестирование. Т.: Адолат, 1995.
- 20.Ш.Р.Баратов, У.С.Нумаев. Ўсмирларда касб танлашга йўналтириш тизими ва уни ижтимоий – психологик асослари. // Педагогик маҳорат, 2003 й., 4 – сон, 33-37-б.
- 21.. Ниязханов Т., Мавлонов Ж., Жумаев У., Дастурли – услубий мажмуа. 2002
- 22.У.С.Жумаев. Касб танлашга муносабат тизими тадқиқот ва уни асосий вазифалари. // Халқ таълими, 2004 й., 2-сон, 43-45 б.

- 23.У.С. Жумаев. Мотив ва мотивация муаммосининг ўрағнилиши хусусида. // Педагогик махорат, 2002 й., 4 – сон, 33-34-б.
- 24.У.С.Жумаев. Ўқувчиларни касбга ёўналтиришнинг ижтимоий – психологик асослари. // Бухоро, 2002 й., 98-99- б.
- 25.Давлетшин М.Т. Умумий психология, Т., Низомий, 2002.
- 26.Е.Гозиев, Умумий психология, Миллий университет, Т., 2004
- 27.Каримова В. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.-Тошкент “Ўқитувчи” 1999й. 127 -б
- 28.Каримова В. Психология, Т., 2002.
- 29.Каримова В., Акромова Ф. Психология, маърузалар матни.
- 30.Гозиев Е. Тафаккур психологияси, Т., 1991.
- 31.Гозиев Э., Рунива Ш. Интеллект психологияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996й.76б
- 32.Гозиев Э., Холмуҳаммедов М., Иброҳимов Х. Психология методологияси. Тошкент. 2002й 54-б
- 33.Петровский А. В. Умумий психология –Т. Уқитувчи 1992
- 34.Гозиева Е. Г. Тафаккур психологияси –Т. Уқитувчи 1990
- 35.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.Ўзбекистон , 1992.
- 36.Бесполько В.П.Слагаемые педагогической технологии. М – Педагогика,1989,192 с.
- 37.Бесполько В.П. педагогика и прогрессивные технологии обучения.М.Изд-во инс.профес.обр.Мин.обр.России, 1995
- 38.Баратов Ш.Янги педагогик технология тадбиқининг психологик асослари. /Респ.илм.-мет.конф.материаллари /Т.2000,15-19.б
- 39.Болтаева З.З., Дубровес Л.В.Касб-ҳунар таълимида модулли ўқитишни қўллашнинг афзалликлари // Касб таълими журнали. 2005.№ 6. 18-19 б.
- 40.Бобобеков Х, Давлетшин М.Г., Ишмуҳаммедов Р. Академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтказиладиган ритуоллар тизими. (1-китоб). Т., “Фан” 2005й.
- 41.Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология- назария ва амалиёт. Т., 2001й
- 42.Ишмуҳаммедов Р.Ж. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. Т., Низомий номидаги ТДПУ 2005й.
- 43.Ишмуҳаммедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т., “Истеъдод” жамғармаси -2008й.
- 44.Нишонова З.Г. Психик тараққиёт диагностикаси . Тошкент. 2004й.
- 45.Матмуратова Н.Б., Азизова Т.М. Ўсмир ёшидаги ўқувчиларнинг мулоқот сифатларини ривожлантириш бўйича психологик тренинги. Методик тавсифнома. Тошкент, 2002й. 145-б.
- 46.Расулов А.И. Педагогик муомила услублари.- Т: 1995й. 40-43 б.

47. Усманова Э.З., Азизова Т.М. ва бошқалар. Психологик тузатиш ишларининг айрим жиҳатлари.-Тошкент. 1995 й. 103 б.
48. Йўлдошев Ж.Ғ. Янги педагогик технологиялар йўналишлари, муаммолари, ечимлари. // Халқ таълими №4. 1994 й
49. Юсупов М. Биринчи синфда бўш ўзлаштираётган ўқувчилар билан ишлаш.-Тошкент: Ўқувчи, 1997й – 99 б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ.

1. www.ta'lim.uz
2. www.talant.spb.ru/wald.html
3. www.school.edu.ru.
4. [www.inter – pedagogika.ru](http://www.inter-pedagogika.ru).
5. [www.obrozavaniye .ru](http://www.obrozavaniye.ru)
6. www.wings.ru
7. www.ppf.uni.udm.ru
8. www.search.re.uz - O'zbekistonning axborotlarni izlab topish tizimi.
9. www.pedagog.uz
10. www.ref.uz. - Referatlar to'plami
11. www.ziyonet.uz.
12. www.Google.uz

Иловалар

Андишалик миллий хусусият

```
graph TD; A[Андишалик миллий хусусият] --- B[Педагог-психолог ўз касбини мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, шахсий позициясини билдиришда, нарс ва ходисаларни етказишда, ота-она билан мулоқот жараёнида амалга оширилади.]; A --- C[Талабани шахсиятига; ўқишга муносабатига; курс жамоасига; ҳис- хаяжонининг ўзгариши; қарама-қаршилиқ; мулоқот мароми];
```

Педагог-психолог ўз касбини мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, шахсий позициясини билдиришда, нарс ва ходисаларни етказишда, ота-она билан мулоқот жараёнида амалга оширилади.

Талабани шахсиятига;
ўқишга муносабатига;
курс жамоасига;
ҳис- хаяжонининг ўзгариши;
қарама-қаршилиқ;
мулоқот мароми



